

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ

ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯ ФАКУЛЬТЕТИ,
«МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ» ЙЎНАЛИШИ 2-КУРС МАГИСТРАНТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК

Зияева Умида

**Ижтимоий мактабгача таълим муассасаларида маънавий-
маърифий ишларни ташкил этиш.**

Магистрлик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар: педагогика
фанлари номзоди, доц.
Ш.А Содиқова

Тошкент - 2013

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш.....	
I. Боб. Ижтимоий мактабгача таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этишнинг назарий масалалари.	
I.1 Маънавий-маърифий фаолиятнинг ижтимоий-педагогик моҳияти.....	
I.2 Ижтимоий мактабгача таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш ҳолати.....	
I. Боб юзасидани хулоса.....	
II.Боб. Ижтимоий мактабгача таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этишнинг мазмуни ва шакллари.....	
II.1 Ижтимоий мактабгача таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари.....	
II.2 Ижтимоий мактабгача таълим муассасаларида тарбиявий тадбирларда миллий-маънавий қадриятлардан фойдаланиш.....	
II.3 Маънавий - маърифий ишларни ташкил этишда МТМ ва оила ҳамкорлиги.	
II. Боб юзасидани хулоса.....	
III. Боб Ижтимоий мактабгача таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этишга доир тажриба-синов ишлари ва унинг натижалари. .	
III.1 Тажриба-синов ишларининг ташкил этилиши.	
III. 2 Ижтимоий мактабгача таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш иш тизими.	
Умумий хулоса ва методик тавсиялар.....	
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	
Иловалар.....	

Кириш.

Мавзунинг долзарблиги. Мустақил Ўзбекистоннинг келажаги кўп жиҳатдан ёш авлоднинг етук, ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялашга боғлиқ. Шунга кўра жамиятимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий мақсади сиёсий ва иқтисодий соҳалар билан бир қаторда таълим тизимини тубдан ўзгартириш, уни замон талаби даражасига кўтариш учун «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да таъкидланган: «инсон, унинг ҳар томонлама уйғун камол топиши ва фаровонлиги, шахс манфаатларини руёбга чиқаришнинг шароитларини ва таъсирчан механизмларини яратиш, эскирган тафаккур ва ижтимоий хулқ-атворнинг андозаларини ўзгартириш»¹, - вазифаси қўйилган эди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2006 йил 25 августда «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида» қабул қилинган Қарори шундай бошланади: «Ватанмиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, ҳалқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига она юртга муҳаббат, истиқлолга садоқат туйғуларини чуқур сингдириш масаласи бугунги кунда тобора долзарб аҳамият касб этмоқда». Мазкур қарорнинг Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш тўғрисидаги жумла билан бошланиши ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш нақадар ката этибор беришимиз зарурлигини кўрсатади. Шу билан бирга, маънавий-маърифий тадбирларнинг аҳамияти ҳам Президент қарорида аниқ кўрсатиб берилган. Қарорнинг Республика маънавият тарғибот марказининг асосий вазифаларига бағишланган қисмида, жумладан, «аҳолининг кенг қатламлари, авваламбор, ёшлар ўртасида Ватанга муҳаббат ва садоқат, инсонпарварлик фазилатларини тарбиялаш, миллий урф-одат, анъана ва қадриятларнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини ҳар томонлама очиб беришга

¹Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш миллий дастури // Баркамол авлод Ўзбекистон тараққётининг пойдевори. - Тошкент, Шарқ нашриёт-матбаа концерни. 1997, 34-б.

йўналтирилган суҳбат ва учрашувлар, маърифий тадбирлар ўтказиш», кераклиги айтилади.

Тарбиявий ишлар маънавий-ахлоқий тарбиянинг муҳим воситаси эканлигини бир қатор олимлар ҳам таъкидлайди. Маънавий-ахлоқий тарбия муаммоларини махсус ўрганган олима З.К.Исмоилова «...миллий қадриятлар ва анъаналарни тарбия жараёнига кенг қўламда тадқиқ этиш» бу жараённинг самарадорлигини оширишни таъкидлайди. Таълим тизимида маънавий-маърифий ишларни тадқиқ этишнинг долзарблиги улар бажарадиган функциялар билан боғлиқ. Олимларимиз таъкидлаганларидек, таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишлар кўплаб ўтказилади. Шунга қарамай таълим муассасаларида амалга оширилаётган тарбиявий ишлар ҳамма жойда ҳам кутилган натижа беряпти деб бўлмайди. Бундай ҳолат мактабгача таълим муассасаларида маънавий –маърифий ишларни ташкил қилиш методикаси етарли ишланмагани билан боғлиқ.

Таълим муассасаларининг аксариятида маънавий-маърифий ишларга таълим-ва тарбиянинг қўшимча воситаси сифатида қаралади. Маънавий – маърифий ишлар таълим-тарбиянинг қўшимча воситаси функциясини ҳам бажариши билан бирга, таълимнинг асосий шакллари: мужассам, анъанавий, ноанъанавий машғулотлар таркибига сингдирилиб, улар билан уйғунлаштирилганда кўпроқ самараларга эришилади. Аини пайтда, маънавий-маърифий ишларнинг тарбиявий салоҳияти ва уларни таълим жараёни билан уйғунлаштириш йўл-йўриқлари мамлакатимиз илм-фанида тадқиқ қилинмаган. Шу муаммони ҳал қилиш зарурати мавзунинг жуда долзарблигини кўрсатади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мустақиллик йилларида ушбу муаммога бағишланган бир қатор илмий – тадқиқот ишлари амалга оширилди. Файласуф ва социолог олимлардан С.Шермухамедов, Н.Комилов, М.Имомназаров, Қ.Назаров, Ж.Туленов, А.Бегматов, М.Бекмуродов, И.Каримов, А.Умаров, Н.Жўраев, Т.Маҳмудов, Э.ЮБсупов, ва бошқалар инсон камолотининг маънавий асослари, миллий ғоя ва мафкура, миллий ва

умуминсоний кадриятлар, миллий менталитет, миллат шаъни, ахлоқ, мустақиллик ва маънавий каби масалаларни атрофлича тадқиқ қилганлар.

Маърифатпарварлар И.Гаспиринский, М.Бехбудий, С.Ализода, А.Авлоний, И.Ибрат, А.Шукурий, А.Фитрат ва бошқаларнинг таълим тарбиявий ғоялари таълим тизмида амалга ошириладиган маънавий-маърифий ишларнинг мазмунини такомиллаштиришга асос бўлади.

Тарбиявий ишларнинг илмий-назарий ва методик асослари мамлакатимиз педагог олимлари томонидан тадқиқ этилган. Хусусан шахс маънавий-ахлоқий маданияти ва уни шакллантиришнинг педагогик хусусиятлари (О.Мусурмонова); Ёшларни маънавий тарбиялашда оила ва миллий кадриятларни ахамияти (М.Иномова); Уйғониш даври, Шарқ алломалари ижодида комил инсон тарбияси масаласи (С.Нишонова); юқори синф ўқувчиларида ахлоқий маданият ва уни тарбиялаш (У. Махкамов); Ўқитувчи одоби (М.Очилов) масалалари шулар жумласидандир.

Республикамизда педагогика, айниқса мактабгача таълим педагогикаси соҳасида амалга оширилган илмий ишларда мактабгача таълим муассасалари ишларининг турли қирралари ўрганилган бўлсада (Р. Мавлонова, О.Хасанбоева, И.Валихўжаева, П.Юсупова, О.Жамолиддинова, Г.Қосимова, Р.Сафарова, А.Бекмуродов, М.Хайдаров, Х.Назарова ва бошқалар), бироқ шу пайтгача ижтимоий мактабгача таълим муассасалари ишларини тўғри йўлга қўйишда маънавий-маърифий талаблар яхлит илмий – иш сифатида ўрганилмаган.

Юқорида қайт этиб ўтилган ишларнинг тахлили шуни кўрсатдики маънавий ва жисмоний соғлом авлодни шакллантириш, соғлом оилавий-ахлоқий муносабатларни миллий маънавий мухитни яратиш ва мустаҳкамлаш жамиятнинг маънавий соғлом турмуш тарзини таъминлаш, таълим тизимининг энг қуйи босқичида амалга ошириладиган маънавий-маърифий ишларни кучайтириш лозимлигини тақозо этади. Шу нуқтаи-назардан келиб чиқиб, биз тадқиқот ишимизни **«Ижтимоий мактабгача таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш»**

мавзусини долзарб педагогик муаммо сифатида тадқиқ этишимиз учун асос бўлди.

Тадқиқотнинг мақсади: - Ижтимоий мактабгача таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этишнинг самарадорлигини оширувчи омилларни аниқлаш, уларнинг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилиш ва амалиётга тадбиқ этишдан иборат.

Тадқиқотни вазифалари:

1. Ўзбекистонда янгича таълим тизимига ўтиш жараёнида ижтимоий мактабгача таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этишни бошқариш ўрни ва ролини яратиш;
2. Мавзуга оид фалсафий, педагогик ва методик манбаларни ўрганиш, таҳлил қилиш, умумлаштириш асосида маънавий-маърифий ишларни ташкил этишни бошқариш педагогик муаммо эканлигини аниқлаш.
3. Ижтимоий мактабгача таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш моделини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш.
4. Ижтимоий мактабгача таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этишнинг педагогик имкониятларини аниқлаш.
5. Ижтимоий мактабгача таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этишнинг самарали йўллари аниқлаш.
6. Олинган натижалар асосида Ижтимоий мактабгача таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этишга доир илмий – методик тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти: - Ижтимоий мактабгача таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этишни бошқариш жараёни.

Тадқиқот предмети: Ижтимоий мактабгача таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этишни бошқариш қўйиладиган педагогик талаблар борасидаги ишларни мазмуни, шакл ва методлари.

Тадқиқотнинг илмий фаразлари: Агар, Ижтимоий мактабгача таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этишни бошқаришда:

- Халқимизнинг энг таъсирчан ва самарали ҳамда ҳаётда синалган бой маънавий меросидан бутун таълим-тарбия жараёнида маънавий ишларни ривожлантиришда муттасил равишда фойдаланиб бориш;
- Ижтимоий мактабгача таълим муассасасида маънавий ишларни инновацион технологиялар воситасида ташкил этиш;
- Ижтимоий мактабгача таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этишни бошқаришда тарбиянинг узвийлиги билан боғлаш;
- Ижтимоий мактабгача таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этишда мактабгача таълим ёшдаги болаларни фаол иштирок этишга кўмаклашиш.

Тадқиқот методлари: мавзуга оид илмий-назарий адабиётларнинг тахлили, кузатиш, анкета, суҳбат, педагогик эксперимент, суҳбат, сўров, анализ усулларида кенг фойдаланилади.

Тадқиқотнинг методологик асослари: билиш назарияси ҳақида фалсафий таълимот, Президент И.А.Каримовнинг асарлари, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, таълим тўғрисидаги Қонун, Марказий Осиё мутафаккирларини таълимотлари.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги: -

1. Ижтимоий мактабгача таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этишга доир талаблар мажмуасини ишлаб чиқиш.
2. Ижтимоий мактабгача таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этишдаги самарадорлигига таъсир қилувчи омиллар назарий педагогик жиҳатдан ёритиш.

3. Ижтимоий мактабгача таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этишни бошқаришга доир илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти: - «Педагогика назарияси», «Мактабгача педагогика», «Педагогик маҳорат» курси мактабгача таълим жараёнида маънавий ишларини ташкил этишга йўналтирилган назарий ёндашувлар, илмий-назарий тавсиялар билан бойитилди. Тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган илмий педагогик хулосалар методик тавсиялар мактабгача таълим йўналиши талабаларида ташкил этиладиган маънавий ишларининг яхлит тизимини амалиётга кенг жорий этиш имконини беради. Шунингдек, муаммонинг амалий йўналишини кучайтиришга, мактабгача таълим ДТС ўқув дастурларини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва асосланганлиги: тадқиқотчи томонидан ўрганилаётган муаммога доир материалларни ҳалқ педагогикаси, миллий ғоя, шахс ривожланиш қонуниятларига асосланганлиги, фараз ва мақсадга мувофиқ ишларни реал мактабгача таълим муассасаси шароитида, бир-бирини тўлдирувчи хилма-хил методикаларни қўллаш асосида синовдан ўтказганлиги билан тасдиқланади.

Тадқиқот босқичлари:

Биринчи босқичда (2011-2012 йиллар) – изланишдан иборат бўлиб, дастлабки материалларни тўплаш мақсадида масаланинг назария ва амалиётдаги ҳолати ўрганилди, ишнинг мақсади, вазифаси, илмий фарази ишлаб чиқилди, тадқиқот объекти, предмети, базаси, методлари аниқланди.

Иккинчи босқич (2012-2013 йиллар)да маънавий-маърифий ишларни ташкил этишга оид бир қанча илмий ишлар ўрганиб чиқилди, педагогик эксперимент асосида олиган натижалар изоҳланди ва умумлаштирилди, тадқиқот материаллари тизимлаштирилди, хулоса ва тавсиялар шакллантирилди, диссертация шаклида якунланди.

Тадқиқот натижаларининг амалиётга тадбиқ этилиши.

Тадқиқотнинг ғоялари ва амалий натижалари тадқиқотчининг илмий журналларда, тадқиқотчиларнинг республика илмий методик тўпламида мақолалар чоп этириши асосида жамоатчилик эътиборига ҳавола этилади.

Ишнинг синовдан ўтказилиши. Тадқиқот натижалари Тошкент шаҳри Учтепа туманидаги №186-мактабгача таълим муассасасида, Тошкент шаҳри, Шайхонтохур туманидаги №567-мактабгача таълим муассасасида тажриба-синовдан ўтказилди.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 3 боб, 7 параграф, умумий хулоса ва методик тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I. БОБ. ИЖТИМОЙИ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ.

I.1 Маънавий-маърифий фаолиятнинг ижтимоий-педагогик моҳияти.

Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни, мавқеи, аҳамиятини белгиловчи ижтимоий омиллардан бири – маънавиятдир. Бу Ўзбек давлатчилигининг уч минг йиллик тарихидаги тараққиёт тажрибасида тасдиқланган ва шу сабабли миллий мустақилликнинг илк йилларидаёқ маънавий қадриятлар масаласи, уларни тиклаш истиқлол даврининг долзарб эҳтиёжига айланди.

Шу сабабли мактабгача таълим муассасасида олиб бориловчи маънавий-маърифий ишлар моҳиятини тўла очиқ бериш учун «маънавият» ва «маърифат» тушунчаларининг луғавий маъноларини таҳлил этишни мақсадга мувофиқ деб ҳисобладик.

Маънавият сўзи – арабча «маънолар мажмуи» - кишиларнинг фалсафий, ҳуқуқий, илмий, бадий, ахлоқий, диний тасаввурлари ва тушунчалари мажмуини англатади. Инсоният ўзининг кўп минг йиллик тарихида ҳаётий тажриба тўплаб, табиат билан ҳамкорлик қилиб, жисмлар, уларнинг олдидаги ҳоссалари, ҳаёт, ўлим, ўзининг Ватан, миллат, қариндош-уруғлари олдидаги бурчлари ва бошқалар туғрисида тасаввур, билим, тушунчаларни тўплаб, ёш авлодга ўргатиб келган.

Ўзбек халқи ҳам барча миллатлар орасида ўзига хос ва мос билимлар бойлиги, маънолар мажмуини тўплаб, асраб, ривожлантириб келмоқда. Миллий маънавият узвий ривожланиб келди. Бироқ 130 йилдан ортиқ давом этган тутқунлик миллий маънавиятимиз асоси ва унинг ривожига салбий таъсир кўрсатди. Табиий, миллий, маънавий ривожланиш синфийлик натижасида эди. Миллатни ўз аجدодларидан маънавий узоқлаштириш сиёсати амалга оширилди. Шу сабабли мустақилликнинг биринчи йиллардан бошлаб миллий маънавиятни – тиклаш, тўлдириш ва бойитиш давлат сиёсатига айланди. «Чунки, ҳар бир миллатнинг ўз маънавиятини аниқлаши,

билиши ва ўз ақл-фаросатининг, онгининг таркибий қисмига айлантириш миллатни мустаҳкамлайди, унинг ўзига бўлган эътиқод ва кадр ҳиссини бойитади. Бу эса ибтидод давридаги ҳукмрон мафкурага зид эди. Ана шу сабабли «маънавият» сўзи тилимиздан сиқиб чиқарилган эди»²

Маърифат тушунчаси эса ҳаракатни ифодалаб, арабча – «билмоқ» деган маънони беради. таълим-тарбия, иқтисодий, сиёсий, фалсафий, диний ғоялар мажмуи асосида кишиларнинг онг-билимини, маданиятини ўстиришга қаратилган фаолият «маърифат» сўзининг луғавий мазмунини ташкил қилади. Маърифат сўзи тасаввуф таълимотининг марказий тушунчаларидан бири. Илмларни ташқи ва ички билимларга бўлган сўфийлар маърифатини «илми ботиний» деб тушунишган.

Туркистонда ибтидоий мактаблар, мадраса ва қорихоналарни маърифат маскани деб билишган. Ҳозирги пайтга келиб маърифат масканлари ва воситаларининг шакл ва турлари кўпайди, таъсирчанлиги ошди. Бунга мисол тариқасида кутубхона, театр, китоб, газета ва журналлар, оммавий ахборот воситалари, радио, телевидение, видеороликлар, компьютер, интернет тармоқлари ва бошқалар маърифий ишларнинг кенг тармоғини ҳосил қилмоқда.

Собиқ шўролар тизими даврида маърифат воситалари собиқ коммунистик мафкурани тарғиб қилиш мақсадларга буйсундирилди. Миллий мустақиллик бизга ўз маърифат тизимимизни яратиш имкониятини берди. Шу тариқа Мустақил Ўзбекистонда маънавият ва маърифат инсоннинг, ҳалқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қудрати, миллий қадриятларимизни тиклаш, ўзлгимизни англаш, миллий ғоя ва мафкурани шакллантиришнинг энг муҳим воситаларидан бири сифатида эътироф этилиб, ривожланиб бормоқда.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясида Президент И.А.Каримов маънавият соҳасидаги

² Мустақиллик: изохли илмий-оммабоп луғат (А.Жалолова,Қ.Хоназаров умумий таҳрири). – Т.: Шарк. 2000. 230-б..

ишларимизнинг риворд мақсадини – иймон – эътиқоди бутун, иродаси баққуват эркин мустақил дунёқарашга эга, аجدодларимизнинг бебаҳо мероси ва замонавий тафаккурга таяниб яшайдиган баркамол шахс – комил инсонни тарбиялаш сифатида белгилаб берди. «... 2000 йилни «Соғлом авлод йили» деб эълон қилганимизнинг маъно-мазмунини, пировард аҳамиятини чуқур англаган ҳолда, - деди И.А.Каримов, - бу мақсадларимизни нафақат жорий йилда, балки келгуси даврда давлат сиёсати даражасига кўтариб, умумҳалқ, эзгу ҳаракатига айлантиршимиз даркор»³

Маънавий-маърифий ишларда ҳар бир ижтимоий қатлам хусусиятларини инобатга олиш, амалийликни кучайтириш, таъсирчанлигини ошириш заруриятларини алоҳида таъкидланганлиги масаланинг ижтимоий – педагогик аҳамиятини яна бир бор оширади.

Собиқ шўролар даврида «маънавият» тушунчаси ўзбек тили луғатларига ҳам киритилмаган бўлса, истиқлол даврида бу тушунча тез ижтимоийлашди.

«Маънавият» тушунчаси «маънавий қадриятлар», «шахснинг маънавий маданияти», «маънавий эҳтиёжи», «маънавий қизиқиш», «шахснинг ички маънавий дунёси», «маънавий маданиятни шакллантириш андозаси» каби тушунчаларнинг моҳиятини педагогларимиз томонидан урганила бошланди. Бу тушунчаларни педагогик моҳияти назарий нуқтаи назардан асослаб берилди.

Мактабгача таълим муассасаларида амалга оширилаётган маънавий-маърифий ишлар ҳам ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-педагогик жиҳатларига эга. Масаланинг ижтимоий – сиёсий жиҳати республикамызда кенг амалга оширилаётган Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш, ҳалқнинг миллий тафаккурини ривожлантириш, буюк давлатни барпо этиш, умуминсоний ва миллий қадриятлар уйғунлигига асосланган фуқаролик жамиятни қуриш ва бунинг учун маънавият ва маърифатни такомиллаштириш заруриятидан

³ Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз – Т.: Ўзбекистон, 2000. – 528 б

келиб чиқади. Бу жиҳат Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 23 апрель «Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказини ташкил этиш тўғрисида» ги Фармонида алоҳида таъкидланди. Демак, масаланинг ижтимоий – педагогик жиҳати маънавий- маърифий сиёсат ва унинг субъекти - «Маънавият ва маърифат» марказлари иши билан функционал яқинлигида кўринади. Муаммонинг педагогик жиҳати маънавий-маърифий ишлар тартиб, жадвал асосида муттасил, режалаштирилган, стандартлаштирилган билим берилаётган мактабгача таълим ёшдаги болалар эканлигида. Бу хусусият МТМ да маънавий-маърифий ишларнинг мақсади, мазмуни, услублари, воситалари ва шаклларида акс этади. Шунингдек, бу жараён мутахассислар – педагог тарбиячилар томонидан амалга оширилмоқда. Кенг ижтимоий педагогик маънодаги маънавий-маърифий ишлар геронтопедагогик аҳолининг турли тоифаларидаги ката ёшли кишилар тафаккури, эътиқоди, қараш ва муносабатларини бойитиш, янгилаш, эски тузумдан қолган зарарли мафкура асоратларидан поклаш каби вазифаларга йўналтирилади.

Мактабгача таълим муассасаларида эса, тарбия объекти алоҳида хусусиятларга эга. Улар – ижтимоий муносабатларга энди киришаётган, табиат, жамиятга, Ватанга, тарихга, ўз-ўзига муносабатлари тўлиқ англамаган болалардир. Шу сабабли МТМда «маънавий-маърифий ишлар тизими» ни МТМ тарбиявий ишлар тизимининг ғоявий бойитилган синонимии сифатида тушуниш мумкин.

1996 йилнинг охирларига келиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида» Фармони эълон қилинди. Бунинг сабаби – «... ҳануз жойларда маънавиятнинг моҳиятини унинг олға силжишимиз фаровон жамиятга тезроқ етишшимиздаги қимматини чуқур идрок этмаслик ҳоллари мавжуд» лиги. Айрим катта-кичик раҳбарлар эски мустабидлик, зўравонлик мафкурасининг сарқитлардан ҳалигача қутула олмай, бу борада кечириб бўлмайдиган

оқсоқлик туфайли маънавиятнинг асл моҳиятини тушуниб етмасдан унга иккинчи даражали иш сифатида қарамоқдалар. Маънавий-маърифий ишларга бўлган бундай эътиборсизлик келажаги буюк демократик, озод давлат қуришдек эзгу мақсадимиз руёби учун мутлақо зид эканлиги Фармонда махсус қайд этилган. Фапрмонда маънавий-маърифий ислохотлар давлат сиёсатининг асосий, устувор йуналиши деб ҳисобланиши таъкидланди ва маънавий – маърифий ишлар самарадорлигини оширишнинг 14 йўналиши белгилаб берилди.

Маънавиятнинг ижтимоий – сиёсий, мафкуравий моҳиятини турли фанлар вакиллари томонидан асослаб берилган. Жумладан, унинг бадиий, ҳаётий моҳияти адабиётшуносларимиз томонидан ёрқин очиб берилди:

«Чингиз Айтматовнинг «Асрга татиғулик кун» романидаги Собитжонни биласиз», дейди бу ҳақда филология фанлари доктори И.Ҳаққул. Унинг отаси Казангап – оддий темир йўл ишчиси бўлиб ишларди. Отасига нисбатан у минг чандон ўқимишли. Эртадан кечгача телефон олдида ўтириб бошлиқнинг кабинети билан қабулхона ўртасида бўзчининг моккисдек югурса-да, ҳар қалай амалдор. Билмаган нарсаси, ўқимаган китоби йўқ. Лекин унинг ахлоқий хусусияти ва маънавияти отасиникига нисбатан беҳад тубандир. Ҳатто отасининг ўлимида ҳам сиёсатдан, давлат манфаатларидан вайсайдиган одамни бир тасаввур қилинг? Қаердаки ўзини мартабали, билағон, маъсул одам қилиб кўрсатишга уринадиган амалдорларни кўрсам, ўша Собитжонни эслайман. Қачонки аравани қуруқ олиб қочишдан чарчамайдиганларнинг гапини эшитсам, «қачон қутуламиз бу Собитжонлардан», деган гап ҳаёлдан кечади. Умуман, тили ишлаб, дили ишламайдиган киши хавfli киши. Чингиз Айтматовнинг ҳаққоний эътирофига кўра, одамнинг одамлиги, фақат касб-коридаги меҳнаткашлиги билан белгиланмайди, у қалбан ҳам меҳнаткаш бўлмоғи керак. Қалбан меҳнаткашлик эса, маънавият ишчиси, маънавият дехқони, маънавият

меъмори дегани бўлади. Қалбан меҳнаткаш инсонлар эса, бири-бири билан ёру биродарлар бўладилар, «бир-бирининг тилларига тушунадилар».⁴

Республикамизда мустақиллик йиллари амалга оширилган педагогик тадқиқотлар таҳлили мамлакатимизда янги – илмий – услубиятига оид ишларда яққол кўзга ташланмоқда. Бу маънавий-маърифий ишлар педагогикасининг шаклланиши учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда. Ўзбекистон Республикасида юксак маънавиятли, комил инсонни тарбиялаш моделига қатор тарбия йўналишлари назарий асосланмоқда. Унинг ақлий, эстетик, меҳнат, экологик, ҳуқуқий, иқтисодий, тиббий тарбия қаторига маънавий-ахлоқий тарбия йўналиши ҳам киритилди.

Педагогика фанлари доктори маънавий – ахлоқий тарбия жараёнига: инсонпарварлик, адолатлилик, ватанпарварлик, эътиқодлилик, виждонийлик, сабрлилик, андишаик, дўстлик, ҳурмат, самимийлик, миллий ғурур, назокатлилик, хушмуомалалик, ростгўйлик, тавозеъ, муаммоларни мустақил ҳал қила олиш ва бошқаларни киритади. Бу фазилатларни шакллантиришда панд-насиҳатлар, ўғит, эътиқодни шакллантириш, қиёслаш, суҳбат, баҳс, маслаҳат, маъруза, тажриба-тадқиқот, намуна кўрсатиш, тушунтириш, мажбур қилиш, рағбатлантириш, жазолаш ва бошқа услублар туркумини такли қилади.⁵

Танланган мавзуимиз нуқтаи назаридан педагогика фанлари доктори М.Қуронов томонидан ишлаб чиқилган, ўқувчиларнинг миллий тарбияланганлик мезонлари, кўрсаткичлари, даражалари ва фазилатларини ўлчашнинг уч қатламли ўлчов тизими қизиқиш уйғотади. Чунки, олим тадқиқотида шахснинг табиий миллий туйғусига бевосита ва билвосита боғланувчи фазилатлар: Ўзбекистон ватанпарварлиги, миллий ғурурлик, миллатлараро мулоқот маданияти, виждонийлик, миллий одоб ва миллий

⁴ Маънавият туғрилиқдан бошланади. Иброҳим Ҳаққул ва Муртазо Қаршибой суҳбати. // Маънавият ва комиллик. Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилиқ маркази. – Т.: 1997. 42-б.

⁵ Нишонов С. Воспитание совершенного человека развития педагогической мысли эпохи возрождения Востока: - Автореф. дисс.. доктора пед. наук. – Т.: 1998. – 38 с.

мафкуравий онглиликни уйғун шакллантиришда илмий ва халқ педагогикасининг амалий бирлигидан келиб чиқиб ёндашади.⁶

Миллий тарбиянинг 12 функциясидан 7 таси бевосита ижтимоий-педагогик хусусиятга эга. Шу туфайли улардан мактабгача таълим муассасаларида амалга ошириладиган маънавий – маърифий ишларни ижтимоий-педагогик асосда куришда фойдаланиш мумкин.


Маънавий-маърифий ишлар мазмунига ойдинлик киритишда педагогика фанлари доктори У.Маҳкамов ўтказган тадқиқотлар натижалари ҳам ката аҳамият касб этади. Олим Ўзбекистонни ривожлантиришнинг маънавий-ахлоқий негизлари ва унинг маънавий йўналишлари, ўқувчиларнинг ақлий имкониятлари, уларга қўйиладиган тарбиявий ва таълимий талабларни инобатга олган ҳолда ўқувчиларни тарбиялашнинг «Миллий истиқлол мафкураси», «Маънавий маданият», «Фаоллиятга бўлган муносабат» каби блокларни асослади. Хусусан, «Маънавий-маданият» блокада мактабда «Маънавият ва маърифат» марказини ташкил қилиш, маънавият асосларини белгиловчи ҳуқ-одоб меъёрлари, қадрият ва анъаналарнинг истиқлол мафкураси асосида ўқувчилар ҳаётига амалий жорий этиш; Мустақил Ўзбекистонда қуриладиган адолатли, инсонпарвар, ҳуқуқий, демократик давлатнинг моҳиятини тушунтириш; ҳалқимизнинг умуминсоний қадриятлар хазинасига қўшган улкан ҳиссасини ёш авлод онгига етказиш; уларда миллий ғурур, миллий ифтихор, Ватанга муҳаббат ва истиқлол ғояларига садоқат туйғуларини тарбиялаш ва бошқа вазифаларни амалга ошириш зарурлиги таъкидланади.⁷

Мазкур ёндашувда ахлоқий, маънавий, миллий, мафкуравий, сиёсий, ҳуқуқий ижтимоий тарбия йўналишларининг ўзаро алоқадорлиги ахлит ёндошув концепцияси орқали очиқ берилади. Бу эса мактабгача таълим муассасасида маънавий-маърифий ишларнинг назарий, ижтимоий – педагогик моҳиятини ойдинлаштирди, тарбия мазмунини муайянлаштирди.

⁶ Курунов М. Научно-педагогические основы национального воспитания в общеобразовательных школах Узбекистана: - Автореф. дисс...доктора пед. наук. – Т.: 1998 – 40 с.

⁷ Махкамов У.И. Педагогические основы формирования нравственной культуры учащихся старших классов: Автореф. дисс.. доктора пед. наук. – Т.: 1998. -31 с.

Мактабгача таълим муассасасида маънавий-маърифий ишларнинг амалий-педагогик мақсади – бу мактабгача ёшдаги болаларда маънавий маданиятни шакллантиришдир. Маънавий-маърифий ишлар натижаси боланинг маънавий маданияти ва унинг таркибий қисмларига педагогик таъсирининг самарали етиб боришига боғлиқ. Ушбу педагогик шарт-шароитни таъминлаш мақсадида муаммони ўрганиш ва таҳлил қилишда биз педагогика фанлари доктори О.Мусурмонова томонидан ишлаб чиқилган ўқувчилар маънавий маданиятини шакллантиришнинг янги методологик ёндашувидан келиб чиқдик. Унга кўра, шахснинг ички маънавий дунёси маънавий эҳтиёж, маънавий қизиқиш, маънавий фаолият ва маънавий қадрият каби асосий таркибий қисмлар тизимидан иборат. Мазкур концептуал ёндашувдан келиб чиққан ҳолда биз шахс маънавияти дунёси ички тараққиёти моделини ишлаб чиқдик:



Яъни.., Шахснинг маънавий эҳтиёжи маънавий қизиқишни вужудга келтиради, у шахс фаолияти жараёнида намоён бўлади ва натижада маънавий кадрият юзага келади. Маънавий кадрият ўз навбатида юқори маънавий эҳтиёжнинг пайдо бўлишига асос бўлади. Маънавий ривожланишнинг бу айланиш даври узлуксиз давом этади.

Маънавий-маърифий ишлар, авваламбор, халқимизнинг маънавий-маърифий меросини ифодалайди. Чунки бу мерос миллий мафкуранинг ҳам, маданиятнинг ҳам, умуман бутун маънавиятимизнинг мустаҳкам манбаидир. Давр синовига бардош бера олмаган, вақтинчалик қимматга эга бўлган ходисалар ҳеч қачон меросга айланмади. Вақт ўтиши билан изсиз йўқолиб кетади, кадриятлар эса муайян халқнинг асл белгиларини ўзида акс эттиради. Демак, маънавий-маърифий ишларни муваффақиятли ташкил этиш учун шахс ижтимоий фаоллигининг ижтимоий-психологик механизмларини, шунингдек, жамоавий фаолиятни изчил фаоллаштириш шароитларини билишга таяниш зарур.

Ижтимоий фаоллик механизмини тушунишда таъсир кўрсатиш назарияси ката аҳамиятга эгадир. Бу назариянинг асосий қоидаларига кўра болада қандайдир амалий ҳаракат тажрибасини мустаҳкамловчи ёки қайд этувчи одатдаги дастлабки психологик реакция пайдо қилинади. Ҳаракатнинг такрорланиши ёки ўхшаш вазиятнинг вужудга келиши натижасида таъсир уйғониб, ана шу ҳаракат ёки шу вазиятда керак бўладиган тажрибани сафарбар этади. Шу тариқа шахс фаоллигининг ҳар бир янги акти илгари пайдо бўлган таъсирда тўпланади.

Маънавий-маърифий ишларнинг устувор мақсади иймон-эътиқоди бутун, иродаси бақувват эркин фуқаро маънавиятини шакллантиришдир. Яъни мустақил дунёқарашга эга, аждодларимизнинг бебаҳо мероси ва замонавий тафаккурга таяниб яшайдиган баркамол шахс – комил инсонни тарбиялашдан иборат. Мазкур ижтимоий буюртмани педагогик талқини болаларда эътиқодни шакллантириш вазифасини ҳосил қилади.

Мактабгача таълим ёшдаги болаларда миллий истиқлол эътиқоднинг асослари шакллантира борилади. Бу жараён механизми ўзаро узвий боғланган тўрт босқични ўз ичига олади.

Биринчи босқичда болаларнинг шахсий фикр муносабатларини ўрганиш ўлиб, унда мактабгача ёшдаги болаларнинг у ёки бу масала, воқеа (масалан, давлат рамзлари) тўғрисидаги билимлари уларга муносабатлари умумлаштирилади.

Иккинчи босқичда – билдирилган турли туман фикр ва муносабатлардан энг тўғриси, энг мақбули танланиб, учраган нотўғри фикр, тушунча, муносабатлар таъсирини сусайтиришга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилади. Тўғри қараш, нуқтаи назарни қўллаш талаб қилинадиган вазиятлар, фаолият турлари ташкил қилинади. Масалан, мактабгача ёшдаги болалар уларнинг ота-оналарига миллат ва давлат манфаатлари уйғунлигини аниқлашга қаратилган сода мисол, вазиятлар намоёни қила борилади. Бу ўта муҳим. Чунки, манфаат аниқланмаса, боланинг ўзига, ота-она, миллат, давлатга муносабати ҳам ўзгармайди. Мактабгача таълим ёшдаги болалар жамоасида мустақил эътиқодни ҳосил қилишда тарбиячининг ўзи ҳам шу эътиқодда бўлиши муҳим. Акс ҳолда, у қўллаётган услубнинг таъмирчанлиги суиқўл бўлади.

Учинчи босқичда турли фикрлар, қарашларни уйғунлаштириш амалга оширилади. Мактабгача таълим муассасасида, жамиятда бўлаётган воқеаларни қўриб, эшитиб унга муносабат пайдо бўлади. Муносабатлар ранг-баранг бўлиши мумкин. Лекин уларни ўзаро боғловчи, бирлаштирувчи қирралари бўлади. Тарбиячи тарбияланаётган болаларни у ёки бу масала бўйича яқдил муносабатини ҳосил қилишда ана шу қирраларни топиб, бирлаштиришга эришмоғи зарур.

Тўртинчи босқичда мактабгача ёшдаги болаларда ҳосил қилинган яқдил эътиқодни уларнинг кундалик ҳаёти, фаолиятида, ўзаро муносабатларида амал қиладиган қоида, талаб, меъёрга айлантиришдир. Шу

тариқа болалар жамоасида миллий мустақил эътиқод асосларини шакллантириш

1) умумий, ранг-баранг фикрлардан энг тўғриси ажратиб олиш, рағбатлантириш;

2) тугри фикрни эътиқодга айлантириш;

3) эътиқодни амалий фаолиятга тадбиқ қилинишига эришмоқдир. Албатта бу босқичлар орасидаги чегара нисбий. Шундай вазиятлар бўладики, биринчи ва иккинчи босқичларни ташлаб ўтишга тўғри келади. Масалан, болалар орасида очкўзлик, ёлғончилик, мактанчоқлик каби одатларга салбий муносабатларни шакллантиришда ушбу салбий иллатларга болаларнинг шахсий муносабатларини махсус ўрганишга зарурат қолмайди. Чунки, юқорида қайд қилганимиздек, бу сифатларнинг салбий эканлиги ўз-ўзидан маълум. Шу сабабли биринчи ва иккинчи босқичлар ташлаб ўтилади ва учинчи – эътиқодни амалий фаолиятга тадбиқ қилишга тўғридан – тўғри киришилади.

Ўзбекистон Республикасининг жаҳонҳамжамиятидаги ўрни, макъеи, аҳамияти ёш авлодларда соғлом маънавиятнинг илмий – педагогик асосда шакллантирилишига боғлиқ. Шу сабабли мактабгача таълим муассасаларида амалга оширилаётган маънавий-маърифий ишлар ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий педагогик хусусиятларга эга.

Ўзбекистон педагогика фанида ёш авлодга юксак маънавий фазилатларни шакллантиришнинг назарий, услубий, тарихий-педагогик масалалари юзасидан тажриба – тадқиқотларга асосланган натижалар тўпланган.

Мактабгача таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишларнинг пировард натижаси болаларда маънавий маданият асосларини шакллантиришдир. Бу эса мақсадга йўналтирилган педагогик таъсир тизими самарадорлигини оширишга қаратилган тарбиявий, психологик шарт-шароитнинг таъминланишига боғлиқдир.

I.2 Ижтимоий мактабгача таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш ҳолати.

Ижтимоий мактабгача таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этишда мамлакатимизда бўлаётган бунёдкорлик ишларида Республикаимизнинг президенти И Каримовнинг ташаббускори сифатида баркамол авлод тарбияси жараёнида ўз шахсини намунаси ва фаолияти билан ҳар бир инсон учун ибрат кўрсатмоқда. Шу сабабдан давлатимиз инсон омилига мунтазам эътибор бермоқда:

Биринчи йўналиш:

И Каримов ўзининг “Юксак маънавият- енгилмас куч асарида” шу нуқтаи назардан қараганда заминимизда яшаб ўтган буюк алломаларимиз мутафаккир боболаримизнинг ибратли ҳаёти ва фаолияти бемисл илмий ижодий кашфиётлари бугун ҳам жоҳон аҳлини хайратга солаётганин ғурур билан таъкидлаш лозим”¹

Шу маънода ўз ҳақ-ҳуқуқини танийдиган, кучи ва қобилиятига таяниб яшайдиган, атрофида рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабатда бўладиган, шу билан бирга ўз шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда тасаввур этадиган эркин шахсни шакллантириш учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 27 январдаги “Баркамол авлод йили” Давлат Дастури тўғрисидаги Қарорида мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ўз салоҳиятларини ҳар томонлама рўёбга чиқариши, уларни янги аср талабларига тўлиқ жавоб бера оладиган шахслар сифтида вояга етказиш мақсадида зарур бўлган шарт-шароитлар ва имкониятларни яратиш учун аниқ йўналтирилган чора-тадбирларнинг асосий йўналишлари белгилаб берилган.

“Таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш ва бошқариш” модули бўйича машғулотлар давомида маънавий-маърифий

ишларни ташкил этиш ва бошқаришга алоқадор бўлган мактабгача таълими тизими ходимларининг асосий вазифалари, маънавий-маърифий, тарбиявий ишларнинг педагогик-психологик хусусиятлари тушунтирилади. Шунингдек, ижтимоий мактабгача таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш ва бошқаришни ўрганиш бўйича назарий билим берилади. Маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш методикаси ўрганилади. Чунки, мактабгача таълим муассаси ходимларининг асосий вазифаларидан бири таълим-тарбия жараёнида маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш, уни бошқариш ва ташкил этишнинг самарадорлигини оширишдан иборатдир. Ижтимоий мактабгача таълим муассасаларида маънавий – маърифий ишларни амалга оширишда қуйидагича режалаштириб борилади:

- Маънавий тарбия тушунчасининг моҳияти ва мазмуни, унинг зарурлиги ва аҳамиятини кўрсатиб бериш;
- Маънавий -маърифий ишларни режалаштириш ва ташкил этишни педагогик ва психологик асослашга ўргатиш.
- Маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш тизими ва уларнинг таркибий қисмлари ҳақида маълумот бериш.
- Маънавий-маърифий ишларнинг асосий йўналишлари билан таништириш.
- Маънавий-маърифий ишлар йўналишларининг мазмуни, мақсади ва вазифаларини тушунтириш.
- Маънавий-маърифий тадбирларни ўтказиш тартибини тушунтириш.

Ўтказилган маънавий-маърифий тадбирларнинг самарадорлигини аниқлаш учун социологик тадқиқотларни ташкил этиш. Олиб борилаётган таълим-тарбия жараёни мутахассислик бўйича чуқур билим, малака, кўникмага эга бўлишига, маънавий-маърифий ва ахлоқий жиҳатдан тайёргарлик даражасини оширишга, ижтимоий-сиёсий даражасини кучайтиришга, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга, уларда умуминсоний ва миллий истиқлол ғояларига садоқат ва бурч, соғлом оилавий муносабатларни шакллантиришга, ижодкорлик, тадбиркорлик фаолиятига йўллаши зарур.

Шундай қилиб, ижтимоий матабгача таълим муассасаларида мактабгача ёшдаги болаларни тарбиялашга таълим жараёни тарбия билан узвий боғлиқлигини ташкил қилувчи, ҳар бир фанни ўқитишдан кўзланган мақсадни белгилашда унинг тарбиявий томонига эътибор бериш, тарбиячини маънавий шакллантиришга оид тарбиявий тадбирлардан самарали фойдаланиш, таълим жараёнини ҳаёт билан, амалий билим билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ташкил қилиш керак.

Чунки соғлом авлодни тарбиялаб вояга етказишдек маъсулиятли ва шарафли вазифани ўз гарданига олаётган мураббий-тарбиячи, аввало, ўз юксак ахлоқи, маънавий етук, миллий қадриятларга, истиқлол Қояларига содиқ, сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий билимлардан хабардор бўлган мукаммал инсон бўлиши зарурдир.

Инсоният пайдо бўлгандан бошлаб, одамлар у ёки бу шакл ва мазмунда фарзандлари тарбияси билан шуқулланадилар. Иқтисодий жамоа даврида бу жараён баъзан онгли, гоҳида эса онгсиз равишда кечган бўлиши мумкин. қандай бўлишидан қатий назар, тарбия усуллари мутассил давом этаверган. Улар даврлар ўтиши, ҳаёт ва турмушнинг мураккаблашиши натижасида тобора чуқурроқ ва кўп маъно касб эта борган.

Инсон асосан икки йўл билан тарбияланиши мумкин: бировларнинг бевосита таъсири, яъни ўргатиши, шунингдек, донолар фикрлари, уғитлари ва асарларини ўқитиш орқали; Инсон ўзини фикрлаши, одамлар ҳаёти харакатидан, қилган ва қилаётган ишларидан тегишли хулосалар чиқариб олиш; Энг қудратлиси – тафаккури воситасида тарбияланиши мумкин.

Алломаларимиз «Агар кишига ҳаётнинг ўзи беролмаган таълим, унга ўргата олмас ҳеч бир муаллим» деб насиҳат қиладилар, бу инсон ўз тафаккури ёрдамида таълим-тарбия олиши, одоб-ахлоқ нормаларини эгаллаши, ўзи яшаётган жамият, ингарчилик хулқ-атвориға хос маънавий-ахлоқий кўникам ва малакаларини мужассамлаштириш лозимлиги тақозо этади.

Тарбияшунослик инсонни гўдаклигидан бошлаб то умрининг охиригача ҳаёт ва турмуш одобига ўргатувчи ва шу нарсаларни таҳлили ҳамда тадқиқ этувчи фандир. Тарбия ва тарбияшунослик ҳақидаги бу таъриф маъно ва мазмунига одамларни бутун умри давомида хулқ-атвори, одоб-ахлоқи, бу борада миллий анъаналарга садоқат ва шуларга тарбиячи ҳамда тарбияланувчиларнинг тўла амал қилиш, миллий қадрият, маънавият ва маърифатга хурмат, иймон ва виждон сингари гуал фазилатлар сингари.

Инсоннинг инсонлиги: биринчи навбатда унинг маънавий-ахлоқий жиҳатидан баркамоллиги, поклиги билан белгиланади. Маънавий-ахлоқий тарбия тушунчаси кенг қамровлидир. Маънавий-ахлоқий баркамол инсон ота-онаси, фарзандлари, қариндошлари, хуллас, бутун оила аъзолари, қўни-қўшнилари, маҳала-куйи, қишлоқдошлари ва бутун мамлакат халқ фаровонлиги ҳақида айгуради; теварак атрофни ураб олган инсонлар унга керак бўлгани сингари, ўзи ҳам уларга керакли бўлишига интилади; одоб-ахлоқи, феъл-атворини ёқимли қилишни инсоний бурч деб ҳисоблайди; ота-боболардан ёдгор бўлиб қолган маданий меросни қадрлайди; миллий қадриятларни эъзозлайди ва уларга содиқ бўлиб қолади; Ватанпарварлик, халқпарварлик. инсонпарварлик туйғулари барқарор бўлади; ўзаро муомала-муносабатда ўрнатилган бўлишга мойил бўлади; бировнинг оқибатини енгил қилишни одат қилади; умумхалқ маъқуллаган ва ҳукумат томонидан қонуний қабул қилинган Конституцияни хурмат қилади ва унга садоқат намуналарани амалда курсатади; диёнат ва адолат, меҳр-шақат ва эзгудликни ҳимоя қилади; ваъдага вафоли бўлишни ўзига касб қилиб олади.

Инсон яшаш тарихида ижодкорлик қон-қонига сингиб кетган. Бундай ижодий изланишлар натижасида яратилган маънавий-ахлоқий бойлик жамланиб келади. Демак ҳар бир тарбиячи изланиши, интилиши лозим экан.

Келажак ёшларимиз қўлида экан. Шубҳасиз ёшларнинг ўз даврида, яъни боқча ёшидан бошлаб унинг қай даражада тарбия олганига боқлиқ. Тарбиячилар болалар орасида таълим-тарбия ишларини яхшилаш учун буюк шоир ва алломалар, давлат ва жамоат арбоблари, мутафаккирларимиз ёзиб

қолдирган хикматлардан. тарбиячилик ва тарбиячиларга қаратиб айтилган фикрларидан кенг фойдаланишимиз лозим.

Донишмандлар, ҳаёт тажрибалари, нафис дидлари, мураккаб рухий ҳолатлари ва билим доираларига таянган ҳолда ҳулосмалар чиқариш, чуқур мазмунли фикрлаб айтганлар. Бу чуқур фикрий кашфиётлар асрлар давомида синовдан ўтиб, ҳаёт элагидан эланиб, нафисланиб, сайқал топиб келди. Бу фикрлар дур каби фақат гўзаллик учун хизмат қилмасдан, балки халқ маънавий-ахлоқий оламига, бола тарбияси илмига хизмат қилиб келмоқда.

Мазкур билимларни таҳлил этар эканмиз тарбиячилар, тарбиясига алоҳида эътиборни гувоҳи бўлдик. Ёзбек тарбиячилиги «Авесто»дан бошлаб араб истилосига қадар, халифалик давридан то чор россияси туркистонни босиб олганга қадар ўзига хос йўналиш билан бола тарбиясида ҳам, умуман таълим-тарбияда ўзига хос бўлиб, тарбиячиларнинг ўрни жамият учун етакчи бўлган.

Чор россияси жамият ўзгаришимизда, чунончи таълим-тарбияда дастлабки кунлардан бошлаб Қарб тарбиясини олиб кирди, жамиятда Қарб мутафаккирлари Қояси илгари сурилди. карл Маркс, Владимир Ильич Ленин, Крупская, Макаренко, Ушинский, Каменский кабипедагог ва файласуфларнинг Қоялари ўқув юртларида ўқитила бошланди.

Афсуски Ўрта Осиё мутафаккирлари таълим-тарбиявий ва тарбиячилик фикрлари илгари сурилмади. Улар илгари сурган, тарбияда асосий ўринни эгаллаган ва ҳозирги даврда ҳам ўз нуфузини йўқотмаган Қоя ва фикрлари қадрланмади.

Шукурлар бўлсинки мустақилликга эришиб, дастлаб кунларданок ўзбек миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз, тарбиячиликдаги (Журъони Карим, ҳадис намуналари) ўзбек мутафаккирларининг, илҚор фикрлари билан бизга тарбиячиликда ўз хиссасини қушган педагогларимиз, ёзувчи ва шоирларимиз қарашлари ҳозирги кунда Педагогика тараққиётидаги ҳисса қўшиш билан бирга, уларнинг таълим-тарбия асосида кадрлар тайёрланмоқда.

Тарбиячининг тарбияланганлик даражаси нафакат hozirgi даврда балки асримизнинг олдинги даврида ҳам ўз кучига эга бўлган.

Масалан, Арасту тарбиячилик ҳақида шундай фикр билдиради:

Шуни билишиш, таълим-тарбия билан шуқулланувчи одам ўзи тарбия кўрмаган бўлса, бошқаларни тарбия қилолмайди. Хумун яхши бўлмаган киши бошқаларни ярамас ва ифлос ишларга бошлайди. Агар сен ўз фуқоронгни тарбияламоқчи бўлсанг, аввало ўз руҳингни (нафсингни) яхшилашдан бошла. Мабодо ўзгалар айбини бартараф этишни ихтиёр этсанг, бундан олдин ўз нафсингни нуқсон ва иллатлардан тозалашинг зарур (Арасту)

Арастунинг тарбиячи маънавий-ахлоқий, унинг бола тарбиясида хулқи бузуқ бўлса, фуқарони тўқри йўлга бошлаш қўлдан келмаслиги ҳақида шундай фикр билдиради.

Шуни билгинки, агар хулқинг бузуқ бўлса, фуқарони тўқри йўлга бошлаш қўлингдан келмайди. Агар гумроҳ бўлсанг, уларга йўлбошчилик қилолмайсан, агар ўзинг тўқри йўлдан адашган бўлсанг, уларга панд-насиҳат қилолмайсан. Ахир, кўзи ожиз бўлган киши қандай қилиб кўрга йўл кўрсат олади? камбақал киши ўзгани бой қила оладими? Хор ва тубан киши бошқаларга обрў ва қадр-қиммат ато қила оладими? (Арасту)

Абдурахмон Жомий ўз даврининг етук мутафаккири, унинг тарбиячилик ҳақидаги фикрлари хали-хануз ўз кучини йўқотган эмас: У шундай деган «Тарбиячи билимли, ақилли, адолатли, ўзида бутун юксак фазилатларни мужассамлаштирган бўлиши керак. Ёзини намуносиб тутган тарбиячи ҳеч вақт болаларга билим ва одоб бера олмайди». (А.Жомий)

Алишер Навоий тарбиячига ана шундай талаблар қўйиш билан бирга, унинг иши энг қийин ва энг мураккаб иши эканлигини ҳам кўрсатади.

«Унинг иши одам қўлидан келмас, одам эмас, дев ҳам қила билмас. Бир кучли киши бир ёш болани сақлашдан ожизлик қилади. У эса бир тўда болага илм ва одоб ўргатади, кўркем, бунга нима етсин. Шуниси ҳам боқим, у тўда фахм идроки озлар бўлади. Ундай кишиларга юзларча машаққат қандай

бўлади. Ўар қандай бўлса ҳам ёш болаларда унинг ҳаққи кўпдир, агар шогирд подшоликка этса ва унга қуллуқ қилса арзийди».

Алишер Навоий «Тарбиячининг обрўсини шу қадар кўтарадики ва меҳнатини шу қадар қадрлайдики, ҳар бир киши ўз ўқитувчисини умрбот ҳурмат қилиши ва уни севиши бурчдир. Афсуски, ҳозирги даврда ўқитган аммо маданиятсиз, етарли тарбия олмаган, феъл-атвори хунук, ҳаётан орқада келган, аммо орасида заррача обрўси йўқ, ёшлар тарбиячига салбий таъсир кўрсатаётган тарбиячилар ҳам учраб туради. Маълумот даражаси юқори аммо, хулқи хунук одамлар бор. Унинг сабаби шундаки, бу кишиларнинг билим ва тушунчалари эътиқодга ва амалий фаолиятга айланмаган»⁸ – педагогик маданият шаклланмаган.

Абу Носир Форобий ўз дунё қарашида нарсани ҳодисаларни билиш, инсон ақлини билиш билан бойитиш, уни илмли, маърифали ўилиш учун хизмат қилувчи психик процессларга алоҳид эътибор беради.

Унинг асарларида билишнинг икки босқичи: ҳисий билиш шва ақлий билиш ҳақидаги жуда асосла ифтиқрларидан ҳиссий билишнинг даражалари, келиб чиқиши, маълум эволюцияси ҳақидаги ажойиб фразлар ҳам учрайди.

У ўзининг «Хикмат асослари» асарида ҳиссий билиш ҳақида шундай дейди: «Инсонда, унинг бошланқич вужудга келишида (яъни туқилишида) озиқлантирувчи қувват пайдо бўлиб, унинг ёрдамида инсон овқатланади. Бунданг сўнг унда тери орқали сезиш қуввати вужудга келиб, бу қувват ёрдамида инсон иссиқ, совуқ кабиларни сезади. Сўнг эса шундай қувват вужудга келадики, унинг ёрдамида таъм-маза сезилади. Сўнг хидни сезишни таъминловчи қувват пайдо бўлади, ундан кейин эса шундай қувват вужудга келадики, у орқали ранг, ёруғлик ва барча кўринувчи нарсалар сезилади. Ҳиссий қувватнинг келиб чиқиши билан инсонда Яна шундай қувват ҳам вужудга келади, у инсонни сезилаётган нарсага ёки диққатини тортади ёки ундан узоқлаштиради ва шунинг туфайли, инсонда сезилувчи нарсаларга мойил ёки нафрат, жирканиш туғилади. Бундан сўнг шундай қувват пайдо

бўладики, унинг ёрдамида инсон олдин сезилган ва ҳозирда инсон эътиборидан тарқарида бўлган нарсаларнинг образини сақлаб қолади. Бу ҳаёл қуввати бўлиб, ҳиссий қабул этилган образларни турли тартибда комбина қилиш (қўшиш, бириктириш, ажратиш) функциясини бажаради. Бу комбинацияларнинг бир қисми чин, бир қисми эса ёлғон бўлади. Бундан кейин инсонда ақлий қувват вужудга келиб, унинг ёрдамида инсон онгли ва абстракт фикр юритади, санъат ва Фан ҳақидаги билимга эга бўлади, ақли етадиган нарсалар билан шуғулланади. Фаробий сезиш органлари билан борлик бўлган руҳий қувватларни таърифлайди ва унга ҳиссиёт (маориф) деб ном беради»⁹.

Даримзнинг етук педагогларида Абдулла Авлони «Энг ёмон кишилар илмга амал қилмайдиган кишилардир. Агар тарбия қилувчи тарбиячи олим бўлиб, амалсиз бўлса, бу шогирдлар ахлоқига ёмон таъсир кўрсатади». (А.Авлоний)

Халқимиз тетик тарбиячини боғларга, қиёс қилмади. Унинг (боқбоннинг) иши дарахтни тўғри ўстириш билан бирга унга ишов бериш, парвариш қилиш, суғориш, шакл бериш бўлса, тарбиячи боланинг келажакда комил инсон бўлишлигида комил инсон бўлишлигида муҳим омил бўлади.

Сўзни тўғри талаффуз қилиш, қаламни тўғри ушлаш, одамларга салом беришдан бошлаб дунёқарашини тўғри шаклланишига қадар хизматларибеқиёсдир. агар бола ёшлигида одобли ва тўқри тарбияланмаган бўлса ёт ғояларга тушиб қолиши, натижасида жамият учу нёт унсур бўлиши, ўз ота-онасидан тортиб, Ватанига ҳиёнаткор бўлиб ўсиши турган гап.

Ижтимоий мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари учун маънавий-маърифий ишларни самарали олиб боришлари учун қуйидаги жадвал асосида билим ва кўникмаларини оширишимиз мумкин:

⁹ А.Навоий «Махбуб-ул Қулиб». Т: 1939 йил 30-31 бет.

Билим	Кўникма
Маънавий тарбия тушунчасининг мазмуни, уни ташкил этишнинг зарурияти ва аҳамиятини тушунтириш.	Маънавий ва маърифий тарбияни ташкил этишнинг педагогик, психологик, социологик асослари тўғрисида тушунчага эга бўлиш.
Маънавият тушунчаси, маънавиятнинг жамият ҳаётида бажарадиган вазифаларини ёритиш.	Маънавиятнинг тарбиявий, адаптив, уюштирувчилик, бошқарувчилик ва ҳ.к. вазифалари ҳақида аниқ тушунчаларга эга бўлиш.
Тарбиячиларга маънавий-маърифий ишларни ташкил этишнинг педагогик ва психологик жихатларини тушунтириш.	Маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш методикаси йўналишлари бўйича тушунча бериш.
Тарбиячиларга маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш тизими ва уларнинг таркибий қисмлари ва асосий йўналишлари ҳақида маълумот бериш.	Маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича илғор тажрибалар ҳамда замонавий билимлар ва тажрибаларни ўргатиш

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг дастлабки йилларидан бошлабқ инсоннинг маънавий дунёсига, унинг ўар томонлама етук комил инсон бўлишига, жамиятимизнинг соғлом турмуш тарзига эътибор кучайтирилди.

Ўзбекистон Президенти И. Каримовнинг маънавият соҳасидаги фармонлари, ҳукумат қарорлари ва унинг амалий ижроси айнан ўзбек миллий маънавий қадриятларини тиклаш, замонавийлаштириш ва соғлом маданий турмушни қарор топтиришдан иборат бўлган вазифалар амалга оширилмоқда.

Айниқса, сўнгги йилларда Президентимиз миллий маънавиятининг ўзига хос хусусиятлари, асосий тамойиллари, унинг жамиятимиз тараққиётидаги роли ва аҳамияти сингари долзарб масалаларни “Юксак маънавият-енгилмас куч” асарида ёритиб берган.

Таълим соҳасида олиб борилаётган ислохотларимиз бугунги кунда ўз натижасини кўрсата бошлади.

Таълим муассасаларида маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларни ташкил этиш методикасини ўрганиш бўйича яратилган услубий қўлланмаларни ўрганиб, фаолият кўрсатаётган етакчи тарбиячиларнинг иш тажрибаларини ўрганиш режалаштирилган.

Бунда маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларни ташкил этиш режаси аниқ, мақсад ва вазифалар эса давлат ва жамият манфаатларидан келиб чиқиши ҳаётий мисолларда кўрсатиб ўтилиши ҳам назарда тутилган.

Маънавий – ахлоқий тадбирларни ташкил қилишда мактабгача ёшдаги болалар онгига, қалбига қуйидаги маънавий маданий ғояларни сингдириш муҳимдир.

- “Халқнинг мақсад ва муддоларини ифодаладиган, тарих синовларидан ўтишда халқнинг руҳини кўтариб, уларга таъянч ва суянчик бўладиган авлод бўлиш.
- Жамиятимиз ва давлатимизда бўладиган кўплаб ҳаётий муаммоларга дуч келганда, уларни самарали ечимини топиш қобилияти шаклланган бўлиш
- Маънавий қадриятларимизни, илм фан тараққиёти ютуқлари билан бойитиб боришда ташаббускор бўлиш
- Ўзлигимизни чуқурроқ англаш
- Замонавий ахборот технологиялари ва компьютер тармоқларидан унумли фойдаланиш каби сифатларга эгалик қилишда халқимизнинг бой миллий қадриятлари ижобий аҳамият касб этади.

Умумхалқ байрамларини нишонлаш ва уларни тарбиявий аҳамияти.

- 1- сентябрь – Республикамизнинг Мустақиллик куни
- 2- сентябрь-Билимлар куни
- 1 –октябрь- Ўқитувчи ва мураббийлар куни
- 21 – октябрь- Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун
- 8-декабрь- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун
- 14- январь- Ватан ҳимоячилари куни
- 8- Март- Ҳалқаро хотин қизлар куни
- 21- март- Наврўз байрами

9- май- Ҳотира ва қадрлаш куни

1-июнь- Болаларни ҳимоя қилиш куни

Юқоридаги тадбирларни ташкил қилиш методикаси:

1. Болалар тарбияланганлиги даражасини ҳисобга олиш
2. Болаларни ёш хусусиятларига мослаштириш
3. Тадбирларни замонавий талаблар билан бойитиш, моддий ва маънавий билимларни уйғунлаштириш
4. Тарбиячининг касбий маҳорати

1 сентябр “Мустақиллик куни” байрамини ўтказишда қуйидаги билим ва тушунчаларни болаларда шакллантириш муҳим.

1. Мустақиллик мамлакатимизда юксак неъмат эканлиги, Ўзбекистон истиқбол ва истиқлолига муносиб бўлиш.
2. Ҳалқимизни бой маънавий мероси ва аجدодларимизни меросини ўрганиш, ўзлигини англашга шарт шароит яратиш
3. Мустақиллик туфайли фаровон ва тинч ҳаёт кечираётганимизни мисолларда кўрсатиш
4. Мустақиллик неъматларидан ғурурланиш ва туйғуси билан яшаш каби ғояларни ўқувчиларга сингдириш, байрамни самарали ташкил этишнинг бош мақсадидир

21 Март Наврўз байрами кунига бағишлаб ўтказилган байрам тадбиридан намуна.

НАВРЎЗ

Мақсад: болаларнинг қадриятларимиз тўғрисидаги билимларни мустаҳкамлаш, уларга Наврўз байрамининг ҳалқимиз ҳаётида тутган ўрнини тушунтириш: теvarак атроф, боҳор ўсимликлари ва гуллари ҳақидаги таъсаввурларни шакллантириш. Наврўз таомларига ишлатиладиган кўкатлар билан таништириш: гўзаллик ва нафосатга меҳрини орттириш.

Керакли жихозлар: кўк сомса, кўк чучвара, кўк манти учун ишлатиладиган кўкатлар, куй қўшиқлар қўйиш учун магнитофон

Тадбирга тайёргарлик: болалар билан биргаликда даладан кўкатлар териб келиш, боғча ҳовлисига жой хозирлаб, дастурхон ёзиш, унинг атрофига кичкинтойларни ўтқозиш, кўкатлар тўғрисидаги маълумотларни байрам ҳақидаги шъерий парчаларни ёдлаш.

Тадбирнинг бориши:

Тарбиячи: Болалар, биз сиз билан аввалги машғулотида қадриятлар тўғрисида суҳбатлашган эдик. Қани, ким айтади:”қадрият” деб нимага айтилади?

Болалар жавоби:

Тарбиячи: бугун ҳалқимиз қандай байрамни нишонлаяпти.

Болалар жавоби:

Тарбиячи: тўғри, 21 март Наврўз кунида ҳалқимиз янги йил байрамини нишонлаган. Шу кундан бошлаб табиат жонлана бошлаган. Шу куни одамлар уй жойларини тозалаб, кўкат ва гуллар билан безаган, ота оналарни, яқин кишиларни бориб кўришган Ўтган яқинларининг қабрларини зиёрат қилишган.

Байрамларда баҳор ва унинг неъматларини матх этиб қуйланган.

Қани ким Наврўз ҳақида шеър айтиб беради?

1 Бола: Боғлар дарёларники

Тоғлар лолаларники

Ким нима деса десин

Байрам болаларники

Байрам болаларники

2 Бола Боғ боҳорсиз қолмасин

Тўкмасин тоғ лоласин

Ўзбекистон бағрида

Наврўзлар омон бўлсин

Наврўзлар омон бўлсин

(Шукур Курбон)

Тарбиячи: Наврўз байрами қайси жихатлар билан сизга ёқади?

Тарбиячи: Бугун таомларнинг баъзи бирларини қандай тайёрлашни сизга кўрсатиш билан бирга, уларга ишлатиш учун териб келган кўкатларимиз тўғрисида гаплашиб оламиз. Қани, олдимизда турган кўкатларни кўрсатиб, уларнинг қандай номланиши ва қандайлигини ким айтади?

2 Бола: (отқулоқни қўлига олиб) отқулоқ

Тарбиячи: Хўш, у қандай кўкат экан.

2 Бола Барглари отнинг қулоқларига ўхшаркан.

Тарбиячи: Тўғри, бундан ташқари учбурчак тухумсимон. Кенг поя боғларида кетма кет жойлашган. Гуллари майда, тўпгулли. Отқулоқ қаерда ўсишини ким айтади?

2 Бола: Нам ерларда

Ўқитувчи: Тўғри, нам ерларда, ўтлоқларда, тоғ ён бағрларида ўсади. Бундан ташқари, у табобатда ичак касаллиги ва ичдан қон кетишини тўхташда қўлланилади. Унда К, С, Б ва бошқа витаминлар, дармондорилар бўлгани учун овқатга солинади. Яна қандай кўкатлар териб келдик, болалар қани ким айтади?

3 Бола: Мана бу кўкат. Унинг оти чумчуққўз . Бу кўкат гуллари чумчуқнинг кўзига ўхшар экан. Баргларнинг баъзилари текис, четлари асал ўйилган. Гуллари қийшиқ.

Тарбиячи: Бўйи, баландлиги қанча экан?

Бола: бўйи бир қарич келади.

Тарбиячи: Тўғри, 10 см. Сизнинг қаричингизда бир қарич.

4 бола: Мана бу жағ жағ

Тарбиячи: Баъзи вилоятларда очамбити деб ҳам аталади.

4 Бола: Барглари тўп тўп. Бир хиллари майда, пояси кетма кет жойлашган. Йўл ёқаларида боғларда, экинзорларда ўсади.

Тарбиячи: яхши, бундан ташқари, гуллар оқ, майда, шингилга тўпланган бўлади. Таркибида С, К витаминлари бор, табобатда қўлланилади. Кейинги кўкатнинг номи нима экан, ким айтади?

5 Бола: Исмалоқ, барглари найсимон, қирқилган бўларкан. Табобатда фойдали экан.

Тарбиячи: улар ёввойи ҳолда экинзолар ва ўтлоқларда учрайди. Исмалоқнинг баъзи турлари сабзаёт сифатида ҳам етиштирилади. Улардан боҳорда сомса ва бошқа таомлар пиширилади.

Тарбиячи: Яна қайси кўкат қолди, болалар

6 Бола: ялпиз, барглари чўзиқ, тукли, нам ерларда, ариқ бўйларида ўсади. жуда хушбўй

Тарбиячи: Тўғри, ялпиз гуллари бандли, бинафшаранг бўлади. Табобатда ишлатилади. Ана энди кўкатларни тозалаб майдалаймиз, ёғ қўшиб сизларга кўк сомса, манти, кўк чучвара қилиб пиширамыз.

Даврага деҳқон бобо кириб келади.

Деҳқонбобо: Ассалому алайкум!

Тарбиячи: Ваалайкум ассалом. Келинг келинг Деҳқонбобо

Болалар деҳқон бобо билан саломлашишади:

Деҳқонбобо: Неварам боҳоройдан сумалак пишириш учун буғдой бериб юборган эдим.

Тарбиячи: Раҳмат, бобожон, ана ўша буғдойдан қозонга сумалак солиб қўйдик, пишяпти.

Деҳқонбобо: Қадрли болажонлар, сизнинг бугунги байрамингиздан ҳабарим бор. Болажонларнинг йиғини қандай ўтаркан деб табиатни, теварак атрофни кузатдим. Йўқ белгилар ёмон бўлмади. Қарасам, қора қарға қолган қорлар устида ўйнамади, отхонада турган от хиррилламади, демак, ҳаво айнимас экан, деб келавердим.

Тарбиячи: Деҳқонбобо! Бизга сизнинг кузатишларингиз жуда ёқди. Сиз об ҳавони яна қандай кузатасиз? Бизга ҳам ўргатинг. Чунки биз уни фақат об

хаво бюроси маълумотидан радио, телевидение ёки газеталардаги хабарлардангина биламиз.

Дехқонбобо: Жуда яхши, бўмаса, эшитинглар, агар кумурсқа ва чивин канотланиб, ҳаволарда ўйнашса, ўргимчак тўр тўқиса, қисқичбақа қуруққа чиқса, қурбақа қаттиқ қурилласа, қалдирғочлар чўмилишса, илон исинса, турна сайраб, қарға паст учса, мушук эшикни тимдаласа, билингки, ёмғир ёғади.

От тепиниб, сигирлар сутини тортса, буғдой ўрилганда, поянинг кўки ўроққа юкса, ўримдан кейин анғиздан сув чиқса, тутунлар ҳавога кўтарилмаса ҳам ёмғир ёғади.

Яна ёмғир ёғишини кўрсатадиган аломатлар бор.сувлар кўпикланиб оқади. Шудринг тушмайди, шабада кун чиқиш томондан эсади, осмонда юлдузлар кичкина кўринади, осмондаги камалакнинг ҳар икки учи сувга тушади, кун жуда қаттиқ қизийди.

Болалар: Дехқонбобо қачон кун совушини айтиб беринг.

Дехқонбобо: майли, болаларим, эшитинглар бўлмаса. Чувалчанглар ерга киришса, қалдирғочлар баланлаб учса, бойўғлилар сайраса, ўрдаклар чўмилишса, ғозлар бошини яшириб, тумшуғини тақиллатса ва бир оёғини қанотининг остига тикса, совуқ тушади. Бундан ташқари ит қорға ағанаса, сигир орқа оёғини тақиллатса, эрталаб қуёш юзини туман қопласа ҳам совуқ тушишини билиб олинглар.

Тарбиячи: Дехқонбобо сиз бу гапларнинг ҳаммасини табиатни кузатиб ўрганганмисиз?

Дехқонбобо: йўқ албатта боболаримиздан эшитганмиз, уларга қараб экин тикинларни режалаштирганмиз.

Тарбиячи ва болалар деҳқонбобога минатдорчилик билдиришади.

Тарбиячи: энди, деҳқонбобо, йўл босиб келгансиз, дамингизни олинг, болаларимиз сизга шеърлар ўқиб беришади.

1 Бола: Осмон тиниқ кўк шохи,

Оқ булут кезар гоҳи

Гулларга кўмилади
Қандак ўрикнинг шохи
Боғбон чиқар боғига,
Чўпон кетар тоғига
Боларилар ғувиллаб
Қўнар гул япроғига
Қушлар учиб келади
Шамол ғир ғир елади
Қуёш гуллар юзини
Шулаларга белади
Сувлар шилдираб оқар
Қўшиғи дилга ёқар
(Уйғун)

2 Бола: Ёмғир, ёмғир, ёғавер
Ёғиб бўлгин минг челақ
Ёмғир ёмғир ёғавер
Далаларга сен керак
Ёмғир, ёмғир, ёғ чаққон,
Бизларга ҳам сен керак

Ёғиб ўтсанг сен қачон
Кўринар найкамалақ

(Азиз Абдураззоқ)

Тарбиячи сумалақ тўғрисидаги ривоятни сўзлаб беради. Бу орада сумалақ сузилиб, дастурхонга тортилади. Деҳқонбобо, тарбиячи ва тарбияланувчилар уларни бирга баҳам кўришади.

Тарбиячи кўкат теришда, уларни аниқлашда, чучвара, сомса ва манти тугишда ўрнак кўрсатган тарбияланувчиларни рағбатлантириб, уларга совғалар улашади. Шўх мусиқа янграйди. Ҳамма рақсга тушади ва тадбир якунланди.

I.Боб юзасидан хулоса.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган маънавий ислохотлар маънавий-маърифий ишлар самарадорлиги масаласини ҳар томонлама ўрганишни, унинг илмий-педагогик масалаларини ҳал қилишни тақозо этмоқда. Маънавий-маърифий ишлар – бу маънавий ишлаб чиқариш, яъни ақлий, интеллектуал, ижодий меҳнатда амалга ошувчи маънавий муҳитнинг асосини ташкил этувчи, янги ғоя, қараш, тасаввур, образ, онгни шакллантириш жараёнидир. Комил инсонни шакллантириш – мактабгача таълим муассасаси маънавий-маърифий ишларининг пировард мақсадини ташкил этади. Шу сабабли у доимий суратда давлат ҳомийлигида амалга оширилмоқда.

Маънавий-маърифий ишлар миллий мафкура билан бевосита боғлиқ. Чунки маънавий покланиш жамиятни собиқ шўролар тузумидан колган эски ғоя ва қарашлар, сохта кўникмалардан тозалашга, маъмурий буйруқбозлик, иймонсизлик, иккиюзламачилик, ёлғончилик, кибру ҳаво, юлғичлик, манманлик, боқимандалик, шижоатсизлик каби иллатларнинг пайини қирқиш ва шу асосда ўз-ўзини поклаш қобилияти ва майлини уйғотиш, сўз ва иш, ният бирлиги, виждон устунлиги масалаларининг ҳозирги босқичда ҳал қилувчи омил бўлишини англатади.

Маънавий-маърифий ишлар ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий педагогик маънолар касб этади. Кенг маънодаги, ижтимоий-сиёсий маънавий-маърифий фаолият бутун жамиятда давлат раҳбари – Президент ҳомийлигида радио, телевидение, маҳалла, жамоатчилик ташкилотлари, сиёсий партиялар, Республика маънавият ва маърифат Кенгаши томонидан олиб борилаётган ишларни ўз ичига олади.

Мактабгача таълим муассасаларида ташкил қилинувчи ва амалга оширилувчи маънавий-маърифий ишлар ижтимоий-педагогик маънодаги фаолият турини ҳосил қилади. Чунки бу фаолият давлат таълим муассасасида мутахассислар томонидан олиб борилувчи бошқарилувчи, узоқ давом этувчи жараёنни ҳосил қилади.

Шахс маънавияти мураккаб ижтимоий психологик ва педагогик объект бўлиб, мактабгача таълим муассасаларида унинг биринчи босқичи шаклланади. Тадқиқотда маънавият ва уни шакллантирувчи омилларнинг миллий хусусиятга эга эканлиги асосланиб, бу жараённинг психологик-педагогик қонуниятлари таҳлил қилинди. Мактабгача таълим ёшдаги болаларда миллий маънавий қадриятларни шакллантиришда тарбиячи, мусика ўқитувчиси, услубчи, «маънавият хоналари»нинг ўрни вазифалари яхлит педагогик тизимни ҳосил қилишни аниқланди. Мактабгача таълим ёшдаги болаларида маънавий маданиятни шакллантиришнинг амалий аҳволини ўрганиш бу соҳани такомиллаштириш учун бой имкониятлар мавжудлигини кўрсатди. Жумладан:

- маънавий-маърифий ишлар назарияси ва амалиёти орасидаги педагогик зиддиятни бартараф этиш;
- болалар бўш вақтини фойдали ташкил қилишга қаратилган ташкилотларнинг тарбиявий тадбирлари янги тизимини ишлаб чиқиш;
- тарбиячиларни маънавий – маърифий ишларнинг назарий ва услубий асослари билан қуроллантириш;
- болалар маънавиятига салбий таъсир кўрсатаётган омилларни зарарсизлантиришнинг маърифий чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;
- мазкур йўналишда МТМ ва оила, маҳалла ҳамкорлигининг самарадорлигини ошириш;
- маънавий-маърифий ишларда миллий маънавий қадриятлардан фойдаланишнинг илмий– услубий, ташкилий шарт-шароитларни таъминлаш.

Мактабгача таълим ёшдаги болаларни маънавий маданиятини шакллантиришда таълим ва тарбия бирлиги тамойилининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш, синаб кўриш ва жорий қилиш масалалари тадқиқотимизнинг навбатдаги бобида баён қилинади.

II.Боб. Ижтимоий мактабгача таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этишнинг мазмуни ва шакллари.

II.1 Ижтимоий мактабгача таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари.

Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган туб ислохатлар мазмуни ёш авлодни маънавий етук, интеллектуал салоҳиятли баркамол шахс қилиб тарбиялашга қаратилган. Миллий мафкура ғоясини ҳаётга тадбиқ этишга қаратилган маънавий-ахлоқий тарбиявий ишлар баркамол шахсни шаклланишида ўз таъсирини ўтказмоқда.

**Келажаги буюк
давлат, энг биринчи
навбатда бўлажак
фуқороларнинг
маданияти, маълумоти
ва маънавияти ҳақида
ғамхўрлик қилмоғ
зарур.**

И Каримов

Замонавий таълим муассасаси юксак маънавиятли шахсни тарбиялашни мақсад қилиб қўймоқда, бунда ҳар бир шахснинг табиий қобилиятларини ривожлантириш, бўлажак авлодни ижтимоий муҳофаза яъни рухий камолотини юксалтирувчи муҳитни яратиш, бунинг учун соғлом муҳит ва тарбиявий ишларни тўғри ташкил қилиш муҳимдир.

Маънавий-маърифий ишлар ташкил қилишни асосий таркибий қисмлари:

- мақсадни аниқ мезонларда ифодаланиши:
- фаолият мақсадини амалга оширишда хизмат қилиши:
- болалар тарбиясидаги фаолиятни ўқувчи, ота она ва жамоа ҳамкорликда бошқарувини таъминлаш муҳимдир:

Маънавий-маърифий ишларга нисбатан замонавий талаблар:

- Ҳар бир тарбиявий иш жараёнини мақсадини аниқлиги ва уни ташхис этиш мумкинлиги:
- Дастурдаги мавзуларга оид назарий ва амалий масалалар, ечимидаги усуллари:

- Мавзудаги матнларни кетма кетлиги, замонавийлиги, босқичма босқич баён этилиши:

Маънавий-маърифий ишларни ташкил қилишни бош мезони баркамол авлодни маънавий тарбиясига эътибор қаратишдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И Каримов ўзининг “Юксак маънавият енгилмас куч” асарида:

“Маънавиятни тушуниш, англаш учун аввало, инсонни тушуниш, англаш керак” Шу сабабли ҳар бир тарбиявий ишлар мазмуни “Маънавий мерос, маданий бойлик ва кўхна тарихий ёдгорликлар” энг муҳим омиллардан бири бўлиб ҳизмат қилади.¹⁰

Ёшларни маънавият руҳида тарбиялаш, унга хос фазилатларни шакллантириш: ўз ўзидан пайдо бўлмайди. У инсонни она сути, ота она намунаси, авлодларимизнинг ахлоқ одобига доир ўғитлари, тарбияси орқали амалга оширилади.

Шу сабабли мустақил Ўзбекистон ёшларини тарбиялашда уч манбадан фойдаланиш мумкин. Бу Президентимиз Ислом Каримовнинг “Истиқлол ва маънавият” асарида қуйидагича кўрсатилган:

1. Умуминсоний қадриятлар.
2. Ислом таълимоти.
3. Ўзбек миллий урф одатлари

Юқоридаги омиллар бир бири билан боғланган бўлиб, у А Авлоний айтганидек: “Агар инсон яхши тарбия топиб, бузуқ хулқлардан сақланиб, гўзал хулқларга одатланиб катта бўлса, ҳар ким қошида мақбул бахтиёр бир инсон чиқар” Шу сабабдан, А Авлоний тарбиянинг инсон ҳаётида зарурлигини назарда тутиб “тарбия ё ҳаёт ё момот” дур деб таъкидлаган эди.

Инсоннинг маънавий баркамоллик ҳалоллик, бировларнинг ҳақиға ҳиёнат қилмаслик, сабр қаноатли, меҳр шавқатли каби фазилатлар безайди.

¹⁰ И Каримов “Юксак маънавият енгилмас куч” Тошкент Маънавият 2008 й 29 бет

Аҳмад Яссавий нафсни тийиш, поклик бўлмаса ”Ҳақ йўлиғ” кириб бўлмаслигини. Тўғри кўрсатиб инсонни маънавий ахлоқий тарбиясига эътиборни қаратди.

Маънавият ибораси кенг тушунча бўлиб у жамиятшунос, ахлоқшунос, ҳуқуқшунослик, санъатшунос олимларнинг диққат эътиборини ўзига қаратмоқда.

Шу жиҳатдан “Маънавият” тушунчаси турлича таърифланади:

“Маънавият - инсоннинг ботиний ва зоҳирий”, “Маънавият -инсон қалбининг нури”, “Маънавият -одамнинг руҳий ва ақлий оламнинг мажмуаси”ни мужассамлаштирувчи тушунча деб таърифланади. (Мираҳмад Абдуллаев)

Маънавият- инсонни асосий фазилатларидан бири бўлиб ўз ўзидан пайдо бўлмайди, у тарбиянинг маҳсулидир.

Комил инсон тарбияси қонуний тадрижий ривожланиш хусусиятига эга. Маънавий-маърифий ишларни ташкил қилиш методикаси фани ижтимоий тарихий характерга эга бўлганлиги сабабли ўзига хос диалектик ривожланиш қонуниятлари мавжуд.

Мазкур фанни ўрганиш ўзлаштириш инсон камолотининг қонуниятларини билиш, ҳар бир тарбиячи ўқитувчи учун шартдир. Тарбиявий ишларни ташкил қилишда муносабатлардаги қарама қаршилиқлар, тарбиявий таъсирчанликни бир ёқламалиги , ҳуққ атвордаги қарама қаршилиқлар, натижасида инсон шаклланиб ривожланади.

Маънавий-маърифий ишларнинг салоҳиятини ошириш бола қалбида инсоний фазилатларни сингдириш кўп жиҳатдан тарбиячи тарбияланувчиларни ижодий фаолиятни ташкил қилишга боғлиқ. Улар қўйидаги омилларни қўллаш асосида вужудга келади.

- Маънавий-маърифий жараёнини ташкил қилишдаги муносабатлар . Бунда тарбияланувчиларнинг кундалик ҳаётий воқеалар жамоадаги тартиб қоида ва ҳуққ атворлар ҳақидаги мотивлар ва уларга бир бутун ёндашувини тарбиявий муносабатлар дейилади.

- Маънавий-маърифий тадбирларнинг мақсади, аниқлиги ва таъсирчанлиги. Тарбиявий жараёни лойиҳалаштириш, шакл, метод, шарт шароитларни олдиндан аниқлаб қўйилган мақсадга мувофиқлаштириш.

- Тарбиячи ва тарбияланувчининг ўзаро муносабатлари. Тарбиячи ва тарбияланувчиларнинг руҳий ҳолатлари, муносабат ва мулоқатда бўлишлари, ижобий руҳий шарт шароит яратилиши, тарбиявий тадбирларни гигиена қоидаларига мослаш, эстетик талабларга жавоб бериши, тарбиявий тадбирларни мувоффақиятли ташкил этиш омилларидан биридир.

- Тарбияланувчиларнинг фаоллиги ва мустақил ижодий фаолиятни ташкил этиш. Маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этишда тарбияланувчиларни фаоллиги кўп жиҳатдан ихтиёрийлик, фидоийлик, ташкилотчилик ва ижодкорлигига боғлиқ. Ҳар бир тадбирни бола кўрсин, унда интилиш ҳисси уйғонсин, унда ўзини шахсий муносабатларини билдириш имкони вужудга келсин.

- Маънавий-маърифий тадбирлар таълим жараёнида олган билмларига уйғун бўлиши. Тадбирларни режалаштиришда тасодиф ҳолат бўлмасдан, турли фанларни интеграциясидан келиб чиқадиган мавзулар ижобий характер касб этади.

Маънавий-маърифий ишларнинг таъсирчанлиги ва диалектик қонуниятларини амалга оширувчи омиллар



Маънавий-маърифий жараён онгли, маъсулиятли фаолият бўлиб, унда тарбиячи тарбияланувчиларни комил инсон қилиб етиштиришда унга ҳар тамонлама таъсир кўрсатади.

Маънавий-маърифий ишларни ташкил қилиш методикаси фанининг предмети, бўлажак тарбиячи ўқитувчиларга келажак авлодни маънавий юксак фазилатлар эгаси қилиб тарбиялаш санъатининг қирралари, шакл ва йўллари ҳамда билим, малака ҳосил қилиш ҳақида баҳс юритади.

Маънавий-маърифий ишларни ташкил қилиш методикаси ижтимоий фаолликни шакллантиришга хизмат қилади. Унинг мақсади бўлажак ўқитувчи тарбиячилар тарбиявий тадбирларнинг мазмундорлигини таъминлашда бой миллий ва умуминсоний қадриятлардан кенг фойдаланиш тарбиявий таъсирга эга бўлган манъбаларни ажрата билиш

Маънавий-маърифий ишлар фанининг вазифалари:

- болалар жамоасининг тарбиявий даражасини ўрганиб, унга тарбиявий таъсир кўрсатиш маҳоратига эга бўлиши:
- маънавий-маърифий тадбирлар учун зарур методларни танлаб, кўзланган мақсадга эришиш чора тадбирларни кўра билиши:

- илғор тажрибаларни кузатиб тахлил қилиб ундан ижодий фойдаланиши:

- маънавий-маърифий тадбирларни ўқувчилар руҳиятига қанчалик ижобий таъсир этганини кузатиб, уни янада ривожлантиришни такомиллаштириш:

- маънавий-маърифий ишларнинг самарадорлигини оширишда ўз билимини тадрижий равишда ривожлантириш лозим.

Маънавий-маърифий ишларни самарадорлиги учун хизмат қилувчи миллий манъбалар;

Туркистонда миллий уйғонишнинг вужудга келиши қонуний зарурият бўлиб, унинг заминида халқлардаги мустамлакачилик зулмидан озод бўлиши истаги ётар эди. Халқдаги бундай истакнинг пайдо бўлишида, ўтмишдаги қуйидаги назарий таълимотлар жиддий таъсир кўрсатди:

1. Ўзбек халқнинг мустамлакачилик зулмидан озод бўлиши натижасида ўлкадаги миллий, диний ғояларнинг кенг рўёбга чиқиши:

2. Маърифатпарварлик ёки жамиятни янгилашга интилиш жадиदчилик (арабча “янги” деган маънони англатади) ҳаракати:

3. Она тилимиз, унинг софлиги ва хорижий сўзлар ибораларидан озод қилиш учун кураш:

Миллий уйғонишга доир бундай назарий йўналишларнинг мақсадлари қуйидагича эди.

1. Туркистон халқларининг авлод аждодлари яратган халқ оғзаки ижодиётининг миллий тарбия воситаси сифатида қўлланишини юзага чиқариш ва кенг фойдаланиш.

2. Халқимиз яратган миллий урф -одат ва анъаналарини тиклаш.

3. Қуръони Карим ва Ҳадиси шарифдаги инсон камолоти ҳақидаги ғояларни ёшларга ўргатиш.

4. Маърифатпарвар мутафаккирлар, миллий қаҳрамонлар фаолияти, уларнинг асарларини ўрганиш, илғор тарбиявий таъсир кўрсатувчи таълимотларга амал қилиш

Юқоридаги миллий тарбиянинг назарий асосларидан фойдаланиш орқали, миллий тарбия- халқ руҳи билан боғланади.

Маълумки, миллий тарбия халқ номи ва унинг тарихи билан чамбарчас боғлиқдир.

Рус педагоги К Д Ушинский ўзининг “ Ижтимоий тарбияда халқ руҳи ҳақидаги” асарида – “Ҳамма учун умумий бўлган биргини тугма одат борки, ҳамиша тарбия шунга таяниши мумкин у ҳам бўлса, халқнинг ўзи яратган ва халқчилик асосида қурилган халқнинг тарбиячилик санъатига бой меросидан фойдаланиш ижобий аҳамият касб этади.

Маънавий-маърифий ишлар тизимини амалга оширишда:

1. Ижтимоий мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчиларини тарбия жараёнида гуруҳлар босқичида ўқитувчилар шахсини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятларини ўргатишлари ва “Намунали ўқувчи” тимсолидан нисбат олишлари ва тарбияни узлуксизлигини таъминлашда ташаббускор бўлишлари лозим.

1. Маънавий-маърифий ишларни амалга оширувчи янги тизим ташкилотчилари –педагоглар, ота оналар ва кенг жамоатчиликдир. Болалар жамоасида ўз ўзини бошқарувни йўлга қўйиш муҳимдир. Шу билан бирга тарбиявий ишлар жараёнида илғор тажрибаларга суяниш, мактабдан ташқари ишларни самарадорлигини ошириш.

2. Тарбиявий жараён бир томондан устоз, ота оналарни ўқитувчи таъсири эмас, балки таъсир ижодий ва ҳамфикирликда бўлиши керак.

3. Тарбиявий жараённи тарбиявий ишлар Концепциясидаги оила, коллеж ва маҳалла ҳамкорлигида амалга ошириш.

Тарбиявий жараённи амалга оширишда оқилона режа асосида мақсад ва вазифаларни белгилаш муҳимдир.

Маънавий-маърифий ишлар жараёни ва тизимини бошқаруви қуйидаги тамойилларга асосланиши лозим:

- Аниқ мақсад баркамол авлод тарбияси:

* инсонпарварлик:

* узлуксизлик:

* илмийлик:

* тизимлилик

* мувофиқлик

* ҳаётийлик:

* ёш ва билим савиясига мослик.

Бундай тамойилларга амал қилиш тарбия тизимидаги фаолиятни самарадорлигини оширади.

II.2 Ижтимоий мактабгача таълим муассасаларида тарбиявий тадбирларда миллий-маънавий қадриятлардан фойдаланиш.

Ёш авлод маънавиятини бойитиш, тарбиявий ишлар мазмунини такомиллаштириш, ғоявий мафкуравий бўшлиқ пайдо бўлишига йўл қўймаслик-мустақилликни мустаҳкамлашнинг стратегик вазифалардан биридир. Бу ҳақда Президент И.А.Каримов махсус тўхталиб, «...Мафкуравий тортишувлар тўхтагани йўқ. Очик айтиш керакки бу тортишувлардан кўзланган асосий мақсад-инсон, авваламбо, ёшлар қалбини эгаллаш, муайян мамлакат ёки минтақадаги бирор миллат ёки халқнинг онгига, унинг сезгитуйғуларига таъсир ўтказиш, уни ўз дунёкарашига бўйсундириш, маънавий жиҳатдан заиф ва тобе қилиш. Фикр қарамлиги ва тафаккур қуллиги эса, ҳар қандай иқтисодий ва сиёсий қарамликдан ҳам кўра дахшатлидир» деган эди.

11

Кўриниб турганидек, бу фикрлар аввало, ижтимоий мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари томонидан тезда англаниб, табақалаштирилиб тарбиявий ишлар режаларига киритилмоғи зарур. Бунинг учун мактабгача таълим муассасаси нафақат машғулот жараёнларида, балки гуруҳдан ташқари тарбиявий тадбирларда ҳам мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчисидан тортиб, ката ёшдаги одамларгача тарбиявий таъсир ўтказиш тақозо қилинади.

Ижтимоий мактабгача таълим муассасасида ўтказилаётган тарбиявий тадбирлар, мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий қадриятлар руҳида тарбиялашда таълим-тарбия тизимининг муҳим қимидир. «Болажон» дастурида мактабгача таълим муассасасида гуруҳдан ташқари машғулотлар ишлари кўнгиллилик фаолияти турини танлашда мустақиллик, ўзаро ҳурмат ва ҳамкорлик принциплари асосида ота-она истаги, болаларнинг қизиқиши, интилиши ва қобилиятларини ҳисобга олган ҳолда ўтказилиши белгилаб қўйилган. Айнан мана шу принциплар таълим-тарбиянинг давоми сифатида турли мавзудаги маърузалар, савол-жавоблар, суҳбатларда қатнашиш орқали

¹¹ Педагогика ва диний ақидапарастлик // «Халқ таълими» журнали 1999 йил., 1-сон, 77 бет

мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчига аънавий савиясини бойитишга, таълим-тарбия жараёнида берилган маънавий тушунчалар, кўникмаларни мустаҳкамлайди, қушимча маълумотлар билан бойитади, маънавий кадриятларга қизиқишини оширади.

Ижтимоий мактабгача таълим муассасасида тарбиявий тадбирларни амалга оширишда қатор изланишлар олиб борилди. Жумладан А.Рахматуллаев бу масалага ўқувчиларда меҳнатсеварлик фазилатларини тарбиялаш, А.Тилегегов - синфдан ташқари тарбиявий тадбирларда «Алпомиш» дostonларидан фойдаланиш, А.Бозорова – ахлоқий тарбия нуқтаи назарларидан ёндашишган. Бироқ биз масаланинг ҳали кўп ўрганилмаган қирраси яъни ижтимоий мактабгача таълим муассасасарида тарбиявий тадбирларда миллий-маънавий кадриятлардан фойдаланишга қаратамиз.

Мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчилари билан олиб борилаётган маънавий-маърифий ишлар амалиётини ўрганиш гуруҳдан ташқари тарбиявий тадбирларнинг бой тизими мавжудлигини кўрсатди. Бу тизим танловлар, жисмоний тарбия мусобақалари, сахна кўринишлари, суҳбат, айтишувлар, ўйинлар бадий кечалар шунингдек, энг азиз, энг улўф Мустақиллик байрами, 8 декабрь – Конституция куни, 1 октябрь – ўқитувчи ва мураббийлар куни, 8 март – Ҳалқаро хотин қизлар байрами, умумҳалқ Наврўз байрами, Янги йил байрами, 9 май – хотира ва кадрлаш куни, ҳосил байрам ива бошқа қатор тадбирларни ўз ичига олади. Мазкур тадбирлар гуруҳ тарбиячилари, мактабгача таълим муассасаси мусиқа ўқитувчисининг йиллик тарбиявий ишлар режаларида акс эттирилмокда. Ҳар иш режаси – бўлажак фаолиятнинг дастури, модели эканлигидан келиб чиқади. Қуйида биз шундай режаларнинг бирини мисол келтиришни жоиз деб топдик: Тошкент шаҳар Шайхонтохур туманидаги №567 сонли МТМ да фаолият юритиб келаётган мусиқа ўқитувчиси Холиқова Дилдоранинг бир йиллик тарбиявий ишлар режасида қуйидагича ўз ифодасини топган:

- Тарбияланувчиларнинг ҳаёт мазмунини тушуниб олишларида кўмаклашиш; уларда ўз-ўзига идора ва назорат қила билишни шакллантириш.
- Мактабгача таълим ёшдаги болаларда умуминсонийлик ва Ватанимиз қадриятлари, бой миллий маданиятимиз билан ошно қилиш, миллатимизга хос маданий ва диний тарихимизга нисбатан ғурур ва мухаббатни тарбиялаш.
- Мактабгача ёшдаги болалар ижодкорлигини, иқтидорини юзага чиқариш учун шарт-шароит ҳозирлаш.
- Инсонпарварлик ва муомила одобини, ҳақиқий байналмилаллик кўникмаларини шакллантириш.
- Мустақил Республикамиз равнақи ва тараққиёти учун хизмат қилувчи комил инсонни тарбиялаш.
- Ўзбекистон Республикаси Байроғи, Герби, Мадҳияси, Конституцияси ва Президентиға садоқат руҳида тарбиялаш.
- Меҳнатға виждонан ва ижодий муносабатни тарбиялаш.
- Мустақил Давлат Ўзбекистон Республикасининг ички ва ташқи сиёсатиға тўғри ва ҳолисона баҳо бериб, уни қўллаб-қувватлашға ўргатиш.
- Ўзининг ҳар бир хатти-ҳаракати ва уларнинг оқибатиға маъсулият билан қараш ҳислатларини тарбиялаш.
- Она-ер, Ватанға садоқатли қилиб тарбиялаш қаби вазифаларни амалға ошириш кўзда тутади.

Режа «Бажариладиган ишлар мазмуни», «Иш тури», «Бажариш вақти», қаби бўлимлардан иборат. «Ўқув ишлари» бўлимида гуруҳда навбатчилиқни тақил қилиш, «Гуруҳ паспорти» ни, «Мактабгача таълим ёшдаги бола шахсий карточкаси» ни ташқил қилиш, «Одобли бола» фотостендини ташқил қилиш, «Маънавият куни» ни ўтказиб бориш, мактабгача таълим муассасаси матбуотини ташқил қилиш кўзда тутилмоқда.

Режанинг «Хушмуомалалик одоб мактаби» номли мавзуда катта мактабға тайёрлов гуруҳ билан тадбир ўтказиш. Ватанимизда етишиб чиққан буюк шоирларимиз ва ёзувчиларимиз билан давра суҳбати уюштириш.

- «Ватанпарварлик ва байналмилал» тарбия бўлимида: «Уруш ва меҳнат фахрийлари билан учрашувлар уюштириш», байналмилаллик ва дўстлик, бошқа халқлар миллий урф – одатлари ва кадриятларига ҳурмат мавзуларида суҳбатлар, «Оқ олтин» байрами, «Меҳржон», «Хотира ва кадрлаш куни», «Наврўз», «Қариялар куни» каби байрам ва маросимлар тўғрисида тушунчалар бериш ва нишонлаш, Ўзбекистон Республикаси Давлат рамзларига ҳурмат руҳида тарбиялаш, «Мустақил Ўзбекистон» стендини ташкил қилиш.

- «Меҳнатсеварлик руҳида тарбиялаш» бўлимида: «Меҳнат фахрийлари билан учрашув», ишлаб чиқариш корхоналарига экскурсия уюштириш, «Шанбаликлар уюштириш», «Амир Темур ва темурийлар сулоласи ҳақида» суҳбатлар ўтказиш.

- «Истеъдодли болаларни аниқлаш» бўлимида, бадий тўғараклар ташкил қилиш, «Ўзбекистон - Ватаним маним», «Санъат байрами» кўшиқ танловларини ўтказиш. «Моҳир қўллар» танловини ўтказиш, шунингдек, Ўзбекистонимизнинг тарихий обидалари билан таништириш.

- «Жисмоний тарбия» бўлимида мактабгача ёшдаги болаларни жисмоний камолотига қаратилган 8 та йўналиш кўзда тутилган.

- «Эстетик тарбия» бўлими эса маънавий-маърифий ишлар тизимида ката аҳамиятга эга. Унда мактабгача таълим муассасаси гуруҳларини эстетик дид билан безаш, гуруҳ бурчакларини мазмунли ташкил қилиш, жумладан «Жонли табиат бурчаги», «Оталар чойхонаси» бурчаги, «Менинг оилам» бурчаги ва.х.. «Миллий рақс ва кўшиқлар» танловини ташкил қилиш.

Мактабгача ёшдаги боланинг ҳар бир салбий сифат аввало, гуруҳдаги маънавий-маърифий ишнинг камчиликларидан бирини кўрсатади. Бинобарин, маънавий-маърифий ишлар самарадорлиги мактабгача таълим ёшдаги болалардаги ижобий фазилатларни бартараф қилиш билан биргаликда олиб борилишига боғлиқ. Бу йўналиш «Тарбияси оғир болалар билан ишлаш» йўналишида амалга оширилмоқда. Унда салбий сифатлари яққол намоён бўлаётган тарбияланувчиларни аниқлаш, жиноят кодекси

тўғрисидаги билимларни энг содда ва болага тушунарли қилиб тушунтириш, гиёҳвандлик, ичкиликбозликнинг салбий оқибатларга олиб келиши ҳақидаги суҳбатларни мисоллар билан тушунтириш ишларини олиб бориш.

Педагог – тарбиячиларнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича фаолияти йиллик иш режалари педагогик кенгашда тасдиқланади ва мактабгача таълим услубчиси ҳузуридаги семинарларида муҳокама қилинади. Ушбу режам МТМ услубчиси томонидан тасдиқланиб, амалга оширилади. ҳар йили режалар янгиланиб, давр, миллий тараққиёт, мактабгача таълим муассасаси олдида қўйилган маънавий-маърифий талаблар асосида такомиллаштирилиб борилади.

Мактабгача таълим муассасасида маънавий-маърифий ишларни амалга оширишнинг педагогик таҳлили қуйидаги ҳулосаларни берди.

- Маънавият ишларни режалаштиришда ягона умумий ёндашув ишлаб чиқилмаган. Натижада тарбиячилар режалаштиришга а) тарбия йўналишлари тамойилидан (ахлоқий тарбия, меҳнат тарбияси). б) календар ёндашув (сентябрь, октябрь). в) ташкилий субъектлар тамойилларидан келиб чиқиб ёндашмоқдалар.
- Иш режаларида ва амалиётда мактабгача таълим ёшдаги болаларнинг миллий маънавиятини шакллантириш масаласи махсус белгилаб олинмаган. Бу эса маънавий, мафкуравий ишлар мақсад ва натижаларнинг мавҳум бўлиб қолишига сабаб бўлмоқда.
- Маънавий-маърифий ишларда мактабгача ёшдаги болалар ёш, интеллектуал имкониятларини ҳисобга олиш, табақалашган ёндашувни амалга оширишга қаратилган услубий тавсиялар йўқлиги туфайли, мактабгача таълим муассасаси тарбиячилари олдида қийинчиликлар пайдо бўлмоқда.
- Мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчилари билан олиб борилаётган маънавий – маърифий ишларда маънавий кадриятлардан фойдаланиш масаласи назарий, услубий жиҳатдан ишлаб чиқилмаган. Амалиётда эса маънавий кадриятларнинг мактабгача ёшдаги болалар

учун бундай энг муҳим ва яқин манбаидан фойдаланиш талаб даражасидан анча паст.

Илғор тажрибада эса, мазкур маънавий-маърифий омил ўзининг бой самарасини бермоқда. Мисол тариқасида Тошкент шаҳар Шайхонтохур туманидаги №186 сонли МТМда ўрганилган маънавий – маърифий ишлар тажрибасини келтирамиз. Мактабгача таълим муассасаси мусиқа ўқитувчиси Муҳайё Комилова ташаббуси билан маънавий кадриятлардан фойдаланишнинг илғор шакл ва методлари ишлаб чиқилиб, самара бермоқда. МТМда катта гуруҳ ва мактабга тайёрлов гуруҳларида «Савоб» ва «Меҳр шафқат» гуруҳлари тузилган. Ҳар чоршанба - «Маънавият ва маърифат» куни деб эълон қилинган. Бу куни барча гуруҳларда машғулот ўтказишдан олдин 5 дақиқаси маънавиятга бағишланади. Шу куни МТМси мудираси билан «Қўғирчок театри» ҳамкорликда келишилган шартномага мувофиқ тажрибали актёр ва актирисалари ташриф буюриб, барча болажонларга ўзларининг санъат асарларини намоиш этадилар. Бундан ташқари ҳар йили ноябрь ойида «Азим Тошкентни биласизми» мавзусида кўрик танлов бўлиб ўтади. Бунда катта гуруҳ ва мактабга тайёрлов гуруҳ тарбияланувчилари ўзларининг она Ватанларининг келиб чиқиш тарихи, тарихий обидалар, уларга аталган шеърлар билан, Ватан ҳақидаги қўшиқлари билан байрам тадбирига янада файз киритишади. М.Комиловага «Маънавий-маърифий ишларни ташкил қилишда миллий кадриятлардан фойдаланишингизни боиси нимада?» деган саволимизга ўқитувчи қуйидагича жавоб берди: - Миллий ғурур, умуминсоний кадриятлар, Ватанга муҳаббат уни эъзозлаш, Ватаннинг ҳар бир ҳовуч тупроғининг қадрига етиш, ўз она диёри қадрини билиш, шу ўлкада яшаб ўтганлар руҳини шод этишдан бошланади. «Ватан-остонадан бошланади» деган хикматни тарбияланувчилар онгига сингдиришни мақсад қилиб қўйдим. Тарбиячилар томонидан Тошкент шаҳрининг пайдо бўлиш тарихи, маориф маданияти, ишлаб чиқариши, завод ва фабрикаларнинг пайдо бўлиши, буюк шоир ва ёзувчи, ижодкорларнинг болалиги, ҳаёти шу

жонажон шаҳарда кечганлиги, улар туғилган, яшаган маҳалла, кўчаларда ҳозир шу болалар яшаётганлиги мисоллар орқали ёрқин тасвирлаб берилди. Шаҳримиз маҳаллаларига бориб меҳнат, уруш фахрийлари, кекса ишчиларни мактабгача таълим муассасамизга чақирдик, учрашувлар ўтказдик. Улардан ўзларининг болалаликлари, шаҳарнинг ўша пайтдаги кийёфаси, урф-одатлари, маросимлари тўғрисида ҳикоя қилиб беришларини сўрадик. Марҳумларни эсладик.

Мазкур тадбирларнинг самараси шунда бўлдики, болаларнинг ўзлари кекса, қаровчисини йўқотган маҳалладошларга ёрдам бериш истагини билдирдилар. Тарбиячилар бу ташаббусни педагогик йўналтириб турдилар. Шу тариқа «Савоб» ва «Меҳр-шафқат» гуруҳлари тузилди.

Гуруҳдан ташқари тарбиявий тадбирларда маънавий кадриятлардан фойдаланишнинг энг самарали шакллардан бири – сайёҳатлардир. Бунинг нақадар аҳамияти катта эканлиги Президент Фармони даражасида эътироф этилди: «Ёшларимиз онгига она Ватанга, буюк аجدодларимиз мероси ва ҳалқимизнинг бугунги мисли кўрилмаган бунёдкорлик ишларига юксак эҳтиром туйғуларини сингдириш, мақсадида уларни дунёни ҳайратга солган қадимий ёдгорликлар ва мустақиллик даврида бунёд этилган улкан иншоотлар, маърифат масканлари, юртимизнинг гўзал табиати билан мунтазам таништириб бориш учун, махсус таништирув сайёҳатлари ташкил этиш барча ҳокимлар зиммасига юклатилсин», - дея таъкидланади Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш, ва самарадорлигини ошириш Фармонида.¹²

Мазкур Фармонни амалга ошириш мақсадида ҳокимлар туман аҳолиларидан гуруҳлар тузиб, уларнинг Республикаимизнинг турли масканларига сайёҳлар ташкил қилинди. Биз ҳам давлатимиз яратиб

¹² «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази, фаолиятини янада такомиллаштириш, ва самарадорлигини ошириш Фармони. 1996. 9 сентябрь. // Ўзбекистон Республикаси «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази Устави. Тўплам. Тошкент., 1997 й., 18-б.

берган бундай имкониятдан мактабгача ёшдаги болаларни маънавий тарбиялашда фойдаланишга қарор қилдик. Сайёҳат кунини белгилаб, болаларни Ўзбекистонимиз пойтахти бўлмиш Тошкент шаҳри бўйлаб сайёҳат уюштирдик.

Ҳар бир Ўзбекистонликнинг ўз аجدодлари яшаган ва яшаётган ҳудуд тарихи ва тавсифи билан билиш ката маънавий-маърифий аҳамият касб этади.

Киндик қони тўкилган ва улғайиб вояга етган жой манзилу-маскан тарихини билмаган, унга нисбатан меҳру-муҳаббат қўймаган кишининг Ўзбекистон аталмиш Ватанни севиш ва ардоқлаш, унинг буюк келажагини таъминлашга ўз улушини қўшишга ишониш қийин.

Бу маънавий янгиланишнинг ўзига хос педагогик кўринишидир. Ёш авлодни юксак миллий маънавий-маърифий руҳда тарбиялашнинг асосий йўналишларидан бири, уларни барча ҳудудларидаги аҳоли истиқомат қиладиган манзилларининг тарихий номлари билан таништиришдан иборат.

Шундай қилиб, маънавий қадриятлардан гуруҳдан ташқари тарбиявий тадбирлардан фойдаланиш, нафақат ёдгорликлар қишлоқ ва шаҳарлар ҳақида, балки энг муҳими - инсонлар миллат ҳақида яхлит тасаввурга эга бўладилар.

II.3 Маънавий - маърифий ишларни ташкил этишда МТМ ва оила ҳамкорлиги.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» да маънавий, мафкуравий соғлом авлодни тарбиялашнинг асосий маъсулияти таълим муассасаларига юкланган бўлса ҳам, мактабгача таълим муассасаси оила билан боғланмай туриб маънавий соҳасидаги ишларни муваффақиятли бажара олмайди. Чунки мактабгача ёшдаги болани оилада тўғри тарбиялаш, Ўзбекистоннинг XXI асрдаги фуқароларини мафкураси мустаҳкам, юксак маънавиятли этиб тарбиялашнинг муҳим шартларидан биридир. Бу ҳол МТМ ва ота-оналар зиммасига жиддий маъсулият юклайди, тарбия соҳасидаги ишларда мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатишни тақозо қилади.

Мактабгача ёшдаги болаларни тарбиялашда МТМ ва оила ҳамкорлиги – қатор йиллардан буён муҳокама қилиниб келинаётган педагогик муаммо. Тарбия жараёни иштирокчилари саъий ҳаракатларини мувофиқлаштириш мақсадида Ўзбекистон педагоглари «Оила, маҳала, мактаб ҳамкорлиги» Концепциясини ишлаб чиқдилар. Мазкур Концепция ёшларни миллий истиқлолга садоқатли, маънавий баркамол этиб тарбиялашда муҳим вазифани бажарди. 1998 йилга келиб педагогика фанлари доктори Ж.Ғ.Йўлдошев илмий раҳбарлиги ва таҳрири остида «Ўқувчиларни тарбиялашда оила маҳалла, мактаб ҳамкорлиги Концепциясини» ишлаб чиқди.

Концепцияда ёш авлодни тарбиялашда оиланинг, маҳалланинг, мактабнинг вазифалари аниқлаб берилди, улар орасидаги ҳамкорликни амалга ошириш тамойиллари, босқичлари, механизм ива услублари белгиланди.

Тадқиқот ишимизда биз ана шу Концепцияга таянган ҳолда мактабгача таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишларни ташкил қилишда:

- ҳамкорлик жараёни иштирокчилари ҳаракатларининг иш бирилиги;
- тарбияланувчига ҳурмат ва талабнинг уйғунлиги;

хамкорлик жараёни субъектларининг тенг ҳуқуқлилиги ва юксак маъсулиятли;

фаолият жараёнида миллат ва давлат манфаатлари устуворлиги

хамкорликнинг илмий асосланганлиги каби тамойилларга риоя қилдик.

Концепцияда мактабгача таълим муассасаси ва оилаларнинг тарбиявий хамкорлигини беш босқичида амалга ошириш кўзда тутилган. МТМ хамкорлик «болаларнинг жисмоний, маънавий ва ижтимоий шаклланишини таъминлаш, унинг илк иқтидорли, қизиқиши ва ақлий имкониятларини аниқлаш, ўз хатти – ҳаракатларига жавобгарлик ҳиссини тарбиялаш, бўш вақтини тўғри қилишни ўргатиш, атроф – муҳитга онгли муносабатда бўлиш, дўстлик, байналмиллаллик, ватанпарварлик ҳислатларини шакллантиришга қаратилиши кўзда тутилган.

Мактабгача таълим муассасасида маънавий-маърифий ишларни ташкил қилишда МТМ ва оила хамкорлигининг асосий вазифалари.



Оила ва МТМ мактабгача ёшдаги болалар маънавий тарбиясининг бош иштирокчиларидир. Бу икки омил яхлит тарбиявий тадбирларни тўлдирувчи таркибий ихтисослашган, махсус таълим-тарбиявий муассасаси сифатида таъсир кўрсатади.

Мустақилликни кўлга киритилиши билан оила ва МТМнинг тарбиявий мақсадлари уйғунлашди. Бу эса улар орасида маънавий-тарбиявий ҳамкорликни янги, самарали босқичига кўтаришга замин яратди. Мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчиларига қуйилувчи маънавий талабларнинг бирлиги, хатти-ҳаракатларнинг ўзаро мослиги, бир-бирини тўлдириши, эришилган маънавий-мтарбиявий ютуқларни мустаҳкамлаш ва учрайдиган муаммоларни биргаликда, ҳамжиҳатликда ҳал қилиш ва бошқалар пировард натижада мактабгача таълим ёшдаги болалар маънавий маданиятида намоён бўлади.

Ижтимоий мактабгача таълим муассасаси тарбиячиларининг зиммасига юклатилган вазифаларидан бири – мактабгача таълим ёшдаги болаларнинг ота-оналари билан доимий алоқа ўрнатиш, уларнинг турмуш шароити, оилавий маънавий муҳити билан таниша бориш, бола шахсини, маънавиятини ўрганиш ва такомиллаштиришда ота-она билан ҳамкорлик қила бориш сифатида белгиланган. Боланинг билим савияси, ҳулки, уйда, мактабгача таълим муассасасида, кўчада, маҳалла-қуйда, жамоат жойларида ўзини тутиши туғрисидаги маълумотларни айирбошлаш тарбиячининг ҳам, ота-онанинг ҳам тарбияланувчининг шахси, маънавияти тўғрисида объектив маълумотлар билан таъминлаб туради.

Ўз ҳамкори – ота-оналарининг педагогик маданиятини кўтаришга доимий ғамхўрлик қилиш мактабгача таълим муассасасининг педагогик вазифаларидан бири. Ана шу мақсадда МТМда ота-оналарнинг педагогик билимларини оширишга қаратилган маърузалар, суҳбатлар, маслаҳатлар ташкил қилиб турилиши муҳимдир. Бу МТМ ва оиланинг маънавий-маърифий ҳамкорлигида МТМ ташаббуси билан амалга оширилади.

Оила, ота-оналар ҳам ўз навбатида мактабгача таълим муассасси ҳаётига ўз ҳиссаларини қушиб бормоқдалар. Амалиётда бу ҳамкорлик ишларини жиҳозлаш, кургазмали қуроллар, асбоб-ускуналар ясаш, сай, сайёҳатлар ташкил қилиш, суҳбатлар ўтказиш, машғулоти жараёнларида қатнашиш, гуруҳдан ташқари тарбиявий тардбирларда иштирок этиш, ёрдам ва маслаҳатлар билан қўмаклашмоқдалар.

МТМ ва оилалар ҳамкорлиги ота-оналар қўмиталари томонидан тартибга солиниб, йўналтирилиб турилмоқда. Ота оналар қўмиталари МТМнинг умумий йиғилишида бир ўқув йили муддатида, йиғилиш маъқул топган сонда айланади. Қўмитага ҳар бир гуруҳдан болаларнинг ота-оналари вакил бўлишга эришилмоқда. Қўмита аъзолари ичидан раис ва котиб сайланади. Раис МТМ педагогик кенгашининг аъзоси бўлиб ҳисобланади.

Ота-оналар қўмитаси оилалар билан маънавий-тарбиявий ҳамкорликни йўлга қуйишда:

- оилаларнинг бола тарбияси учун жавобгарлигини ошириш ва бу ишда ота-оналарга ёрдам кўрсатиш;
- оилаларнинг бола тарбияси учун жавобгарлигини ошириш ва бу ишда ота-оналарга ёрдам кўрсатиш;
- ота-оналарнинг МТМ ҳаётида иштирокини фаоллаштириш;
- ота-оналарнинг педагогик маданиятини ошириш;
- болаларда салбий одат, сифатлар шаклланишининг олдини олиш;
- уларни қаровсиз қолдириш, ҳуқуқбузарлик ҳолатлари пайдо бўлишининг олдини олиш каби вазифаларни бажарадилар.

Ота-оналар қўмиталари у ёки бу ташкилотларга МТМ маъмурияти билан биргаликда таълим-тарбия жараёнини такомиллаштиришга қаратилган муносабатлар билан чиқиш; МТМда тарбиявий ишларни такомиллаштириш мақсадида мудира ёки педагогик кенгаш кун тартибига таклифлар киритиш; ота-оналарни қизиқтирган саволлар бўйича мудира ва тарбиячиларнинг чиқишларини ташкил қилиш; болалари намуна бўлаётган ота-оналарига

таъсир ўтказиш каби ҳуқуқларга эга бўлсада, амалиётда бу ҳуқуқлардан кенг фойдаланилмаяпти.

МТМ ва оилаларнинг маънавий-маърифий ҳамкорлиги самарали ташкил қилишда кўп учраётган ва биз тажриба-синов ишларимизда бартараф қилиш йўллари қўллаган камчилик бу – МТМ ва оила, тарбиячилар ва ота-оналар томонидан болаларга қўйилаётган маънавий талабларнинг бир хил эмаслигидир. МТМ ва оила, ота-она, бобо, буви ва ота-оналар орасида бола маънавиятини тарбиялаш масаласида бирликнинг йўқлиги тарбияси қийи, дағал болаларнинг пайдо бўлишининг асосий сабабларидан биридир. Бу эса, бир томондан – ота-оналарнинг, иккинчи томондан – тарбиячиларнинг болалар кўз ўнгида обрўсига дарз кетишига сабаб бўлмоқда.

МТМ ва оиланинг болаларга қўядиган ягона маънавий тарбиявий талабларига эришиш учун мактабгача таълим муассасаси, кейинчалик мактаб ва оилаларда «Бола нима қилишга руҳсат берган маъқул-у, нима номаъқул?», «Қандай одат яхши, қайси ёмон?» каби ўнлаб саволларга биргалишиб жавоб беришлари керак бўлади. Акс ҳолда бири маъқулланган одат, ҳуқ-атвор кўринишининг иккинчиси «номаъқул» деб топса, бола энг тўғри ечимни топа олмай, қийналади ва бу уни ортиқча асабий қилиб, ёмон йўлга кириб кетишига сабабчи бўлади.

Ножўя қилмишларнинг жуда кўпчилиги, юқорида айтганимиздек, оиладаги нотўғри талаблар, нотўғри муносабатлар ва боланинг нотўғри ҳаёт кечиришидан келиб чиқади. Аввало боланинг турмуши, маънавий муҳити қандай бўлганлиги тўғрисида тарбиячи ота-оналар билан гаплашиб олишлари керак. Агар оилада ҳамма амал қилган умумий маънавий қоидалар, тартиб бўлмаса, ёки бўлса ҳам катталарнинг ўзлари бу қоидаларга риоя қилмасалар, болалар бу қоидаларни бузганларида эътиборсиз қолдириладиган бўлса, катталар болалардан талаб қилсалар-у, бунга ўзлари амал қилмасалар, у тақдирда бундай оилалар болаларининг белгиланган қоидаларига риоя қилмасликлари, ножўя ҳатти-ҳаракатлар қилишлари муқаррар.

Шунингдек, катталар боланинг бола эканлигини назарда тутмай, ката кишилардан талаб қилганларини ундан ҳам талаб қиладиган бўлсалар, ўзларининг улуғликларидан фойдаланиб, болани бот-бот хафа қилсалар, унинг ҳиссиёти ва фазилатларини ҳақорат қилишга ботинсалар, у тақдирда боланинг дағал, одобсиз, дилозор бўлиб етишишига кўмаклашган бўладилар.

Болага гуруҳдошлари – илгари нотаниш бўлган болалар жамоасининг муносабати, берган баҳоси унинг маънавий қиёфасига демак, маънавиятига ката таъсир қилади. Мақталган фазилатларнинг у учун аҳамияти орта боради. Шунинг учун МТМ ва оилада рағбатлантирувчи умумий фазилатлар туркуми бўлмоғи зарур. Ана шунда бола бу кадриятларни ўзиники қилиб олишга ҳаракат қила боради. Ана шундай талаблардан бири – ота-оналарнинг болаларининг айбини ўзгадан кўриш каби иллатдир. Бу ҳақда ката тайёрлов гуруҳ тарбияланувчиси шундай ҳикоя қилади:

Мен бир куни Анварнинг онаси билан гаплашиб туриб:

- Ўғлингиз машғулотларга жуда маъсулиятсиз қатнашадиган бўлиб қолди., дедим;

- Вой, бунинг ҳаммаси ёнидаги Бегзоднинг касофатидан. Анваргинам ўзи жуда яхши, аммо келиб-келиб бемаза Бегзод билан ўртоқ бўлиб қолибди – да... касофати урди унинг, - деди.

Жаҳли чиқиб кетган она шу захоти ҳовлидан Анварни топиб келиб, менинг олдимда:

- Бундан кейин Бегзодга қўшила кўрма. Яқинига борма, уқдингми? – дея таъкидлайди.

Анварнинг онаси ҳам ўғлининг ўзлаштираётганлигини Бегзоддан кўрди ва боласига: «Шу ахмоқ Бегзоддан узоқ юр», - деб уқтирди.

Бундай ҳоллар кўп бўлади. Ота-она ўз болаларини бенуқсон деб билиб, салбий иллатларини болаларининг ўртоқларидан кўрадилар.

Масалани янгича, илмий-педагогик тушуниш ва тушунтиришга ўзбек педвог олималаридан О.Мусурмонова шундай қарайди: «Оилада миллий тарбия – шахс миллий характерини шакллантиришнинг муҳим воситаси»

мавзусидаги мақоласида у шундай ғояни илгари суради: «Тарбия назарияси нуқтаи назаридан миллий ҳарактерни шакллантириш – бу шахснинг ақлий, ахлоқий, сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, экологик, эстетик, бадиий каби кўп қиррали таркибий қисмларини яхлит жараён сифатида амалга оширишни англатади. Ана шунда кишиларнинг турмушда намоён бўладиган маънавий фазилатларнинг моҳияти чуқур англаб етилади ва онгли равишда уларга амал қилинади.

Бунда миллий тарбия шахсни ўз халқи, миллати билан боғлайди. Миллий-маънавий маданиятнинг барча қирралари ёш авлод маънавий онгининг шаклланишига асос бўлиб хизмат қилади. Миллий оилавий тарбия замирида шахс миллий маданий меросининг субъектига айланади...»¹³. Маънавий маданиятга миллий характернинг таркибий қисми сифатида ёндашув – ўзбек педагогикасида, унинг тарбия назариясидаги тамомила янги, мустақил йўналишни белгилаб берди. Шу сабабли биз оилавий тарбия амалиётини баҳлил қилишда мазкур ёндашувга таяндик.

Педагогик мустақиллик бизга МТМ ва оиланинг маънавий-маърифий ишларини ташкил қилишнинг пировард натижасини – педагогик ташҳис ва аниқ тасаввур қилиш имкониятини яратди, ёшларнинг характери сифатларига айлантира олсагина унинг натижаларидан қониқиш мумкин бўлади. Шунинг учун масалага ўзбек характери концепцияси нуқтаи назардан ёндашмоқ зарур. Ана шунда тарбияда ҳам ҳудди таълимдагидек аниқликка ва самарадорликка эришилади. Зеро, ўзбек характерини такомиллаштириш орқали миллий тараққиётимизнинг инсон омили такомиллаштирилади.

Миллий характернинг ўзаги кишида илк ёшлардан бошлаб оилада шаклланади. Кейинчалик ўтиладиган ҳаётий тажриба уни шаклан ўзгартиши мумкин, холос. Одам қийин, синовли вазиятга тушганида унда илк ёшларда шакланган сифатлари юзага чиқади. Бироқ, ўз характерини

¹³ Мусурмонова О. Оилада миллий тарбия – шахс миллий характерини шакллантиришнинг муҳим воситаси. Ўзбек характерининг ижтимоий – психологик хусусиятлари. Илмий-амалий конференция тезислари. Т.: ТДПИ. 1999.

такомиллаштириш устида махсус шуғулланган кишиларгина туб, ўзак сифатларини ўзлаштиришга кодир бўлишади. Шунинг учун узбек характери масаласи мактабгача таълим муассасаси ва оила тарбиявий ҳамкорлигининг устувор вазифаларидан бири сифатида қаралмоғи зарур.

Ўзбек характерининг шаклланишида оила муҳим роль ўйнайди. Айрим ота-оналар фарзандларига меҳрини, ғамхўрлигини болаларини «пахтага ўраб», яъни ўта авайлаб, қўлини совуқ сувга урдирмасдан ўстиришади деб билишади. Ота-оналар буни «мен болалигимда қийналганман, болаларим роҳат – фароғатда ўссин-да» деган нотўғри «мухаббат» билан оқламоқчи бўладилар. Натижада бола ҳаётининг ўзига хос муаммоларини кўрмай, билмай ўсади. У ота-онасининг ўзига «ожиз», «нозик», «кучсиз» деб қараётганликларини ҳар куни кўриб, ҳис қилади. Бунга ишониб қолади. У мен «нозикман, ожизман, кучсизман, мен суйиб ардоқланишим керак» деган хулоса ўса бошлайди. Бола ўсаверади. Унга кушилиб «Мен ожизман» деган зарарли эътиқод ҳам ўсаверади. натижада бола мактабга илк қадамини босган вақтда, унга учровчи биринчи қийинчиликларга тўқнашгандаёқ таслим бўлади. Қийинчиликни енгишга ҳаракат қилмайди. Нима учун гуруҳдаги болалар, тарбиячи фақат уни суйиб, ардоқламаётганилигини тушунмай сиқилади. У тушқунликка тушади. Инжиқлиги орта боради. Гуруҳдаги болалар билан келишмайди. юқорида айтганимиздек, бу инжиқлик, англамаган норозилик такрорланавериб, ўзак сифатга айланади ва энг ёмони – боланинг ўсмирлигида, ёшлигида, ҳаётида, келажагида унга фақат панд беради.

Аксинча, миллий педагогика маданияти юқори ота-оналар боласи ҳаётий қийинчиликларга дуч келганида унинг ёнида бўладилар. Боласининг муаммосини ўзлари ечиб бермайдилар, балки уни ўз муаммоларини ечишга ўргата борадилар. Ўз иши масалан, ботинкаси ипини ўзи ечишга, бегоналар билан муомала қилишга, уйга берилган вазифаларни ўзи ечишга, ўзи ҳал этишга ўргатадилар. Ана шунда бола ота-онаси унинг қийинчилигини зарар бераётган яна бир нотўғри ёндашув бор. Бу – болаларга кўп зарда қилиш,

силтаб ташлаш, қарғашдир. Афсуски айрим оналаримиз бу усулларни кўпроқ кўллаб юборишяпти. Бунинг сабаби нимада? Сабаб – ота-оналарнинг педагогик мантикка эмас, балки туйғуларига асосланиб иш кўришида. Бола адашиши, хато килиши мумкин. Адашиш, йиқилиш, суриниш, уялиш натижасида бола энг тўғри йўлни топади. Ана шундай вазиятда оналар бардошли бўлишлари, туйғуларини ақлга бўйсундира олишлари керак. Чунки боланинг ҳар бир кундаги ижобий ёки салбий вазият, воқеа унинг характеридаги у ёки бу сифатнинг муҳрланишига хизмат қилади. Уриш, сўкиш, қарғиш, жиззаки вазиятлар канча кўп бўлар экан, бу бола характерида шунча кўп сингаётган бўлади. лекин кейинчалик бу салбий сифатлар танг вазиятларда ота-оналарининг ўзларига қаратилиши мумкин.

Бола характерида мустақиллик, фаоллик, ташаббускорлик, ҳозиржавоблик, меҳрибонлик сифатларининг шаклланиши учун уни қулидан келадиган ишларга қизиқтириш, ишонч билдириш, қийинчиликларни енгишга ўргатиш керак. Ота-оналарни болаларида айрим фазилатларни шакллантиришда меъёрга риоя қилишга ўргатиш зарур. Масалан, меъёрдан ортиқ қўли очиқлик – исрофгарчиликка, унинг акси – хассисликка олиб келади. Ҳаддан ташқари хушмуомалалик – хушомадгўйликка, ҳаддан зиёда ғурур – кибрликка олиб келади. Мактабгача ёшдаги болаларда миллий характерни тарбиялашда ибрат, ўғит, намуна, талаб, илтимос, қийиш, мақташ ва бошқа услублардан ўринли фойдаланиш яхши натижалар беради. Ота-оналарнинг миллий педагогик маданияти аввало ўзлари учун бахтли кексаликни (солиҳ фарзандларни) беради, ундан кейин миллий таракқиётимизга буюк келажак фидоийларини етиштиришга замин яратади.

Хулоса қилиб айтганда, мактабгача таълим ёшдаги болаларни маънавий тарбиялашда мактабгача таълим муассасаси ва оила ҳамкорлиги – маънавий маърифий ишларнинг узлуксизлигини таъминлашга қаратилиши зарур. Шу сабабли бу жараённинг ташаббускори тарбиячи ва ота-оналарнинг даставвал икки ташкилий – педагогик масаланинг ҳал қилинишига бориб тақалади. Булар:

1. Болага кўрсатилаётган маънавий маърифий таъсирлар шаклларини ўрганиш, таҳлил қилиб мувофиқлаштириш;

2. Ота-оналарни маънавий-маърифий ишларга педагогик тайёрлашдан иборат.

Бунинг қатор сабаблари бор. Биринчидан, маънавий-маърифий ишлар бўйича МТМ ва оила ҳамкорлиги йўналишларининг ҳали пухта илмий-услубий асосланмаганлиги; иккинчидан, маҳала, оиланинг бола тарбиясини асосан боғча зиммасига юклаб қўяётганлиги; учинчидан маҳалла ва оилаларда болалар билан ишлаш бўйича янги вазифаларни ҳал қилишга педагогик тайёргарликнинг етарли эмаслигида. Мазкур муаммони бир мунча ҳал қилиш – МТМ, мактабгача таълим ёшдаги болалар олдида турган муҳим вазифалардан бири эди. Ана шу педагогик муаммони бир мунча ҳал қилишда МТМ – маҳалла – ота-оналар ҳамкорлиги яхши натижа берди. Муаммони тизимли равишда ҳал қилиш кераклиги тадқиқот жараёнида исботланди ва қуйидаги тавсияларни бериш имконини берди.

Муаммони тизимли равишда ҳал этиш кераклиги тадқиқот жараёнида исботланди ва қуйиждаги тавсияларни бериш имконини берди:

1. Ота-онага таъсир ўтказмоқчи бўлсангиз уларнинг болаларини яхши кўринг. Болани ота-онаси олдида уришманг. Ютуқ ва камчиликларини таҳлил қилинг. Оилага бола орқали таъсир қилинг.

2. Ота-она сизда нафақат ўз фарзандига, балки бутун гуруҳ жамоасига муҳаббатини кўрсин.

3. Ҳар бир оиланинг маънавий муҳитини ўрганинг. Ижобий ютуқларини умумлаштира боринг.

4. Шундай қилинганки, ҳар бир ота-она ўз фарзандлари тарбиясида сиз билан сирдош бўлсин.

5. Ота-оналарга ўзларини қандай тутишлари фарзанд тарбияси учун фойдали бўлиши, боланинг оиладаги ўрни, мавқеи қандай бўлиши маъқуллиги тўғрисида самимий, дўстона маслаҳатлар бера боринг.

6. Шунини яхши билингки, тарбиячи бола тарбия манфаатларидан келиб чиқиб ота-оналарга ижтимоий талаблар қўйиш ҳуқуқига эга. Бу талаблар педагогик тавсиялар шаклида ифодаланади.

7. Ҳар бир ота-она билан учрашув олдиндан режалаштирилиши лозим. Бироқ бу расмий, «текшириш» бўлмаслиги керак.

8. Ота-оналар мажлисини ҳуқуқи, ўзлаштириш ёмон болалар, уларнинг ота-оналари муҳокамасига айлантириб юборманг.

9. Ота-оналарнинг ўзингиз билан педагогик сирдош, самимий бўлишига эришинг. Токи улар сизга айтган тарбиявий муаммоларни тўғри тушуна олишингизда ва эътибордан четда қолмаслигидан кўнгиллари тўқ бўлсин.

II. БОБ ЮЗАСИДАН ХУЛОСАЛАР.

Мактабгача таълим ёшдаги болалар билан ташкил этиладиган машғулотлар ва гуруҳдан ташқари тарбиявий тадбирларда маънавий кадриятлардан фойдаланиш ўзининг бой имкониятларига эга эканлигини кўрсатди. Бунда мактабгача таълим муассасаси тарбиячисининг роли ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шу сабабли:

- таълим жараёнида Ватанимиз маънавий кадриятларини ўрганишни режалаштириш;
- уюштириш;
- бошқариш ва назорат қилиш;
- ҳар боланинг талаби, эҳтиёжи, қизиқишини ўрганиш;
- машғулотлар ва тарбиявий тадбирларнинг қизиқарли, ноанъанавий шакл ва усуллардан фойдаланиш;
- ота-оналарга методик ёрдам кўрсатиш;
- бевосита ва билвосита сайёҳат ва сайрлар ташкил қилиш;
- маънавий-кадриятларни ўрганиш бўйича болалар, ота-оналар билан маъруза, суҳбат, семинарлар ўтказиш тарбиячи маънавий-маърифий ишларнинг махсус йўналишларига айланмоғи зарур.

Ўтказилган тадқиқот натижаларидан маълум бўлдики, катта гуруҳ ва мактабга тайёрлов гуруҳи болаларига маънавий-маърифий тушунчаларини машғулот, машғулотдан ташқари вақтларда шакллантириш мумкин. Бу борада республика МТМ ларида таълим-тарбия бераётган тарбиячиларнинг иш тажрибалари ката имкониятга эга.

Мактабгача таълим ёшдаги болалар маънавиятини шакллантириш, келажакда баркамол авлод шахсини шакллантиришга ёрдам беради.

Бу муаммони ҳал этиш тизимли ёндашувни талаб этади.

III. БОБ ИЖТИМОИЙ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШГА ДОИР ТАЖРИБА-СИНОВ ИШЛАРИ ВА УНИНГ НАТИЖАЛАРИ.

III.1 Тажриба-синов ишларининг ташкил этилиши.

Маънавий-ахлоқий тарбия соҳасидаги адабиётлар ва илмий тадқиқотларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, ижтимоий мактабгача таълим муассасаларида маънавий-ахлоқий ишларни ташкил этиш муаммоси етарли даражада ўрганилмаган. Тадқиқ этилаётган муаммони амалиётдаги ҳолатини ўрганиш мақсадида қайд этувчи тажриба ишлари ўтказилди. Тажриба синов ишлари Тошкент шаҳар Шайхонтохур тумани 186-сонли МТМда ўтказилди. Тадқиқотларимизга доир ишлари уч босқичда ташкил этилди.

1. Тажриба-синов ишларини ташкил этишга йуналтирилган тайёргарлик босқичи. Бу босқичда муаммонинг тажриба-синов ишлар дастури ва мазмуни белгилаб олинди.

2. Мактабгача таълимнинг ўқув-методик адабиётлари - давлат таълим стандартлари, ўқув дастури, дарслик ва ўқув қулланмалари муаммо нуқтаи назаридан таҳлил этилди.

3. Тажриба-синов майдончаларида ўзказиладиган тажрибалар моҳияти тарбиячи, ота-оналарга тушунтирилди.

4. Ишлаб чиқилган методика тажриба-синов жараёнида текшириб кўрилди. Тавсия этилган методика синаб кўрилиб, ўзгартиришлар киритилди ҳамда натижалар умумлаштирилди.

5. Тажриба ва назорат синовлари гуруҳлар эришган натижаларни таққослаш, қиёслаш, махсус методика асосида самарадорлигини аниқлаш мақсадида натижалар таҳлил этилди ва ҳулосалар чиқарилди.

Тажриба-синов ишларини ташкил этишда биз илмий тадқиқотларимизнинг мақсад, вазифаларини амалга ошириш, тадқиқотда

илгари сурилган илмий фаразларимизнинг ҳаққонийлигини амалиётда синаб кўриш мақсадида мактабгача таълим муассасси тарбиячилари ва тарбияланувчиларнинг ота-оналари, маҳалла кўмиталари раислари, мактабгача таълим муассасси мусиқа ўқитувчиси билан суҳбатлар, ёзма сўровлар ўтказилди. Ўтказилган суҳбатлар ва ёзма сўровларнинг натижалари илмий-назарий жиҳатдан таҳлил этилди, хулосалар чиқарилди ва тавсиялар ишлаб чиқилди. Диссертациямизнинг ушбу бандида тажриба-синов ишларининг қандай ташкил этилганлигини умумлаштирилган ҳолда беришни лозим топдик:

Аввало ката гуруҳ ва мактабга тайёрлов гуруҳи болаларида машғулот жараёни мақсадга мувофиқ ружалаштирилди. Бунда мактабгача таълим ёшдаги болалар маънавиятини шакллантиришга қуйидаги мавзуларни дастурга қушимча равишда юритишни назарда тутди:

1. Эртақлар ва ривоятлар, урф одатлар. Байрамлар мазмунида миллийлигимизни ифодаланиши.
2. Мустикал Ўзбекистонимиз ҳақида маълумот.
3. Мустикал Ўзбекистонимиз таракқиётида комил инсон тарбияси. Мазкур муаммони ҳал этишда, «Мустикаллик ҳақидаги илк тушунча» ни эртақлар, ривоятлар, ҳикматлар, урф-одатлар, байрамлар орқали машғулотлар жараёнида «ўзбекона урф-одатлар», «миллий байрамлар», «миллий халқ ўйинлари ва айтишувлари», «ҳикматлар бўстонида одоблилик», мавзуларига сингдириш тавсия этилди.

«Мустикаллик ҳақидаги илк тушунча» катта гуруҳдаги «Она юртим» мавзусининг таркибида бериш назарда тутилди.

«Мустикаллик нима?» мавзуси мактабга тайёрлов гуруҳида «Болажон» дастурида келтирилган «Куйга тўлсин она Ватан», «Ўлка» мавзуларини уйғунлаштириб ўрганиш тавсия қилинди.

Мактабгача таълим муассасасининг таянч «Болажон» дастурлари мазмунида мустикаллик ғояси етарли даражада ўрин олди. Айниқса

“Ватаним”, “Ўзбекистоним”, “Тинчлик бўлсин” мавзулардаги машғулотларга бир мунча аҳамият берилган. Ката гуруҳ ва мактабга тайёрлов гуруҳ машғулотларида маънавиятга доир билим савиясини ошириш учун болаларга эркинлик бериш, фикрлаш, қўллаб-қувватлаш, ҳамкорлик педагогикасига таяниш мақсадида:

- машғулот жараёнида «Ғунча», «Мактабгача таълим», «Соғлом авлод учун» журналларидаги болаларга аталган материаллардан, «Одобнома», «Маърифатнома» радиоэшиттириши, телекўрсатувлардан фойдаланиш, «Бор эканда, йуқ экан», «Оқшом эртаклари», «Эртаklar яхшиликка етаклар» каби эшиттиришлар ва телекўрсатувлар замирида донишмандлик, юксак одоб-ахлоқ маънавият ётганига эътибор қаратиш;

- суҳбатларда тарихийлик тамойилларига риоя қилиш, тарихий миллий-қаҳрамонлар ва буюк шахслар ҳақидаги тушунчаларини содда, тушунчаларни ифода этиш, буюк мутафаккирлар ҳамда ҳозирги давр олим ва фозил кишиларнинг маданиятимиз, санъатимиз учун қўшган ҳиссалари ҳақида ҳикоятлар орқали болалар тафаккурини ривожлантириш;

- Президент И.А.Каримовнинг ўзбек халқининг миллий-маънавий меросини тиклаган тадбиркор, билимдон шоир сифатидаги хислатлари, унинг болалар ва ёшларга яратиб бераётган имкониятлари, бугунги кунда уларнинг илм-хунарни эгаллаш йўлидаги ҳаракатлари, ёшларимизнинг чет элларга илм олиш учун юборилиши, эл-юрт тинчлиги ва фаровонлиги йўлида меҳнатини ёш авлод онгига етқизиш муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, машғулот жараёнида зукколик, топқирлик, тадбиркорлик, ижодкорлик тамойилларига таянилган ҳолда ташкил этилган ҳаркатли ўйинлар орқали болаларда интизом, маъсулият, ирода, фаоллик каби сифатлар ҳам таркиб топади. Бу борада, айниқса халқимизнинг қадимий ўйинларига бағишланган машғулотларда қуйидагиларга эътибор қаратилди.

- ўзингиз севган ўйин турини чизиб тасвирланг;

- ўйин пайтида ўзингизни қандай сезасиз?

- ўйнаган ўйинингиздан қаноатланасизми?

- ўйин пайтида фирромлик ҳам бўладими? Унинг оқибати нима билан тугади?
- бир дўстингиз ўйин қондасини бузди. Сиз унга қандай муносабатда бўлдингиз?

- қандай болалар ўйинларини биласиз? Ва ҳ.к.

Машғулотдан болалар маънавий озиқ олишлари пироварди натижа бўлиши муҳим. Ана шундагина натижа қониқарли бўлади.

Шундай машғулотларда одоб – ахлоққа оид мультфильмлар, кинофильмлардан унумли фойдаланиш, музей, зиёратгоҳ жойларга сайёҳатлар уюштириш, ҳаёлан сайёҳатлар қилиш, боллаар театрларидаги томошаларни мунтазам кўриб боришни ва таҳлил қилиш орқали болаларда эркин ва мустақил фикр қилиш, муомала ва муносабатга киришиш ҳислатларини таркиб топтириш ҳам муҳим саналади.

Одоб илми – Ватан, Ватан туйғуси, инсонийлик одобига оилада, жамиятда миллий урф-одат ва анъаналарга риоя қилиш билан шаклланади. Болалар маънавиятини шакллантиришда қуйидагича мавзуларда суҳбатлар ташкил этиш ҳам аҳамиятлидир.

- Катта гуруҳда «Исрофгарчилик ва унинг зарари», «Меҳнатсеварлик – олий фазилат», «Ким бўлсам экан», «Орасталик яхши одат», «Қушларга ғамхўрлик», «Алишер Навоий ҳақидаги ривоятлар», «Нима яхши-ю, нима ёмон».

- Мактабга тайёрлов гуруҳида эса, «Оналик меҳри», «Яхшидан боғ қолади, ёмондан доғ», «Юрт тинчлиги – эл бойлиги», «Боболаримиз ва момоларимиз қуйлаган қўшиқлар».

Бу мавзулардаги суҳбатлар болаларга теварак атрофга бўлган муносабатларни мушоҳада қилиб эшитиб, тушунгаларини баён этиш қобилиятлари, ижодий тафаккурини қай даражада ривожланганлигини намоён этади. Тажриба жараёнида тест саволларига ҳам жавоб олинди. Тестлар қуйидаги саволлардан ўрин олган эди:

- урф-одат, маросим, миллий қадриятлар деганда нимани тушунасиш?

- мустақил Ўзбекистон деганда кўз олдингизга нималар намоён бўлади?

- одоб-ахлоқли бола сизнингча, қайси сифатлари билан ажралиб туриши керак?

- қайси миллий байрамларни яхши кўрасиз?

Тестларга олинган жавоблар болалар билан маънавий маърифий ишларни қандай ташкил этишга ёрдам берд ива биз мазкур ишни ташкил этишда, айнан болаларнинг билим даражаси, тасаввури ва дунёқарашиини ҳисобга олган ҳолда фикр юритдик.

Бундан ташқари саволномалар воситасида ота-оналарнинг маънавиятга доир билим ва тасаввурларини аниқлаш асосида улар ўртасида маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш белгилаб олинди:

- урф-одат, маросим, миллий қадриятлар деганда нимани тушунасиз?

- мустақил Ўзбекистон деганда кўз олдингизга нималар намоён бўлади?

- одоб-ахлоқли бола сизнингча, қайси сифатлари билан ажралиб туриши керак?

- қайси миллий байрамларни яхши кўрасиз?

Ота-оналар жавоблари билан тарбиячиларнинг жавоблари таққосланди ҳамда уларнинг жавобларида ўхшаш фарқли жиҳатларини ҳисобга олиб, мактабгача таълим муассасасининг маънавий-маърифий ишлар режасига киритишни мақсадга мувофиқ деб топилди:

- мактабгача таълим ёшдаги болаларни миллий истиқбол ғоялари асосида тарбиялаш (тарбиячи учун маъруза).

- миллий анъаналар ва урф одатлардан таълим жараёнида фойдаланиш (тарбиячилар учун семинар).

- мактабгача ёшдаги болаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда оиланинг ўрни. (ота-оналар учун семинар).

- миллий мафкура ва биз (давра суҳбати).

- «Миллий одоб» мавзусида (болалар билан мулоқот).

- «Тўмарис авлодлари» - қизлар баҳси.

- «Маҳалла маънавияти» мавзусида ота-оналар, маҳалла фаоллари билан мунозара.

- «Ўзбекистон – менинг Ватаним» мавзусида бадиий ўқиш ва ёш рассомлар кўрик танлови.


- Шахримиз (қишлоқ, туман, вилоят) тарихини ўрганамиз.

- «Амир Темур авлодларимиз» - спорт мусобақалари танлови ва бошқалар.

Юқоридагиларга таянган ҳолда тажриба-синов ишларини ташкил этиш механизминини чизмада келтирамиз.

Тажриба – синов ишларининг юқоридагидек ташкил этилиши самарали натижаларни олиб келди. Биз буни навбатдаги банда ёритишга ҳаракат қилдик.

МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МЕХАНИЗМИ.



III.2 Педагогик тажриба-синов ишлари ва унинг таҳлили.

Мактабгача ёшдаги болаларда маънавий-маърифий тарбияланганлик даражасини аниқлаш учун уларнинг билим, кўникма ва малакаларида мазкур муаммони ифодаловчи асосий ва қўшимча фазилатлар нечоғлик ўрин эгаллашини аниқлашни мақсад қилиб қуйдик. Бунинг учун эса болаларнинг маънавий-маърифий шаклланганлик даражасини ўзида акс эттирувчи:

- а) ўзбек халқ дostonлари, эртаклари, латифаларидаги тўғрисиўзлик, мардлик, меҳнатсеварлик, касб-хунарга бўлган ҳурмат, интилишлар;
- б) ўзлигини англаш, миллий урф-одатлардан фахрланиш ва кийинишда унга риоя қилиш;
- в) Ватан моҳиятини англаш, она юрти, Республикаси, ер қурраси-Ватан эканлигини англаб етиш;
- г) «Ўз элим, ўлан тўшагим» деган ақидага амал қилиш;
- д) миллий ғурур ва бурчни англаш каби асосий фазилатлар ҳамда уларда умумиисоний қадриятларни шакллантирувчи сифатлар: тинч-тотув яшашга интилиш, бошқа миллат вакиллари билан дўстлик, инсонпарварлик, адолатлилик, ҳушмуомалалик каби қўшимча сифаталарнинг шаклланганлигига асосий эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқ эканлигини тажриба кўрсатди.

Педагогик тажриба-синов яқунлари шуни исботладикки, мактабгача таълим ёшдаги болаларда маънавий-маърифий билим, кўникма ва малакаларини биз таклиф этган услубда ўринли ва унумли шакллантириш натижасида болаларда қуйидаги маънавий-маърифий фазилатлар ривожланди:

- мактабгача таълим ёшдаги болаларда маънавий-маърифий қадриятларни ўзлаштириш ва уни англаш жараёни самарали кечди;
- мактабгача таълим ёшдаги болаларнинг ёш хусусиятлари, жинсига ҳос қадриятлар таркиб топди.;

- мактабгача таълим ёшдаги болалар миллий ва умуминсоний кадриятлар муштараклигида фикрлаш ва фаолият кўрсатишга одатландилар;
- уларда машғулот ва гуруҳдан ташқари ишлар жараёнида маънавий-маърифий ишларни мустақил бошқариш, унга қизиқиш майли уйғонди;
- энг мухими, мактабгача таълим ёшдаги болаларда Ўзбекистон – Ватанга ва унинг маънавий-маърифий меросини яратган улуғ мутафаккирларга бўлган ҳурмат яққол намоён бўлди;
- мактабгача таълим ёшдаги болаларда ҳалқимиз тарихи ва миллий кадриятларга бўлган ички руҳий талаб вужудга келди;
- махсус ташкил этилган амалий ва муаммоли вазиятларда болаларнинг мустақил равишда ўз-ўзини бошқариш, эркин фикр юрита билиш қобилиятлари муайян даражада шаклланди.

Тажриба ва назорат гуруҳларида қўлга киритилган юқори, ўрта, паст даражаларнинг маънавий-маърифий фазилатларини шакллантирувчи кўрсаткичларга нисбатан умумий миқдори қуйидаги жадвалда кўрсатилган:

**Мактабгача таълим ёшдаги болаларда тажриба сўнггида шаклланган
тушунчалар кўрсаткичлари**

№	Мактабгача таълим ёшдаги болаларда педагогик тажриба сўнггида шаклланган тушунчалар	Даражалар					
		Юқори		Ўрта		Паст	
		Таж.гр	Наз.гр	Таж.гр	Наз.гр	Таж.гр	Наз.гр
1	2	3	4	5	6	7	8
1.	Ўзбек халқ дostonлари, эртаклари, латифаларидаги туғрисўзлик, мардлик, меҳнатсеварлик, ҳунарға бўлган ҳурмат интилишларнинг шаклланиши	87	39	57	41	9	70
	1	2	3	4	5	6	7
2	Ўзлигини англаш, миллий ур-одатларидан фахрланиш ва ўз фаолиятида риоя қилиш	92	34	53	43	8	73
3	Ватан моҳиятини англаш, она юрти, Республикаси, ер қурраси – Ватан эканлигини англаб етиш	90	32	58	46	5	72
	2	3	4	5	6	7	8
4	Меҳнатсеварлик	90	29	55	39	8	82
5	Ҳулқ-одоб қоидаларига риоя этиш	87	29	57	41	9	80
6	«Ўз элим, ўлан тўшагим» деган ақидаға риоя қилиш	80	29	61	44	12	76
7	Миллий ғурур ва бурчни англаш	71	16	66	30	16	104
8	Ислоннинг ахлоқий ақидаларига риоя қилиш	66	14	67	28	20	108
	Жами	663	222	474	312	87	665

Бу натижалар тахлили шуни кўрсатадики, тажриба ўтказилган гуруҳларнинг муаммо юзасидан кўрсатгич назорат гуруҳларидаги кўрсатгичларга нисбатан 23 % юкори даражада экан. Бу бизнинг мазкур муаммони ҳал этишда қўуллаган услубиятимиз нисбатан самарадор эканлигини исботлайди. Тадқиқотимизнинг мақадга мувофиқлигини аниқлашда: ота-оналар орасида ўтказилган суҳбатлар, сўровлар мактабгача ёшдаги болаларни маънавий тарбиялашнинг асосий шаклларида бириш – ота-оналар йиғилиши бўлиб қолаётганлигини кўрсатмоқда. Афсуски, мазкур имкониятдан ҳамма вақт ҳам самарали фойдаланилаяпти деб бўлмайди. Буни амалиётни ўрганиш орқали ўрганиш мумкин. Бир тоифадаги онанинг фикрича: «Гуруҳ фондларига пул йиғиш, уларни нималарга сарф қилиш муҳокамасига боғланиб қолмоқда. Натижада бундай йиғилишларнинг фойдали эканлигига шубҳа пайдо бўлмоқда, иккинчи тоифасида эса фарзандига нисбатан нообъектив муносабат шаклланган, деган фикр билан ота-оналар йиғилишига қатнашишни тарк этмоқдалар. Бунинг олдини олиш учун биз маънавий – маърифий ишлар вазифаларини юксак касбий даражада, аниқ ва муфассал масалалар орқали ёритиб бердик, ота-оналарни маънавий тарбия услублари билан қуроллантириб, оила тарбияси натижаларини аниқ намуналар мисолида асосладик.

Ота-оналар мажлислари кун тартибини белгилашда ҳозирги куннинг долзарб масалалари:

- «Болаларни қандай қилиб машғулотларга қизиқтирсак бўлади?»,
- «Ростгўйлик қандай тарбияланади?»,
- «Ҳозирги замон боласида маънавият қандай намоён бўлади?»,
- «Болалар нега тажанг бўлиб қолаяпти?» каби саволлардан фойдаландик.

Бу муаммони ҳал этишда МТМ ва маҳалла фаоллари ҳамкорлиги ва «Маҳалла паспорти» (4-илова) кўрсатгичларига таяниб ката имкониятларни қулга киритдик. Биз тажриба-синов ишини олиб борган Тошкен шаҳри Шайхонтохур туманидаги №186 МТМ да бу йўналиш яхши йўлга қуйилди.

Боғча тарбиячилари бундан унумли фойдаланмоқдалар, ота-оналар орасида педагогик тарғибот йўлга қуйилган.

Тажриба-синов ишларини олиб боришда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратилди:

1. Мақсадга йўналтирилганлик (маънавий тарбиянинг назарий, услубий ва амалий масалаларни тарғиб қилиш).
2. Таълимни табақалаштириш (ота-оналар гуруҳлари ва уларнинг ижтимоий, хусусиятларидан келиб чиқилгани).
3. Болаларнинг ёш хусусиятларини инобатга олиш.
4. Иш, хизмат жойлари билан алоқа ўрнатиш.
5. Узвийлик (йилма-йил, ойма-ой).
6. Доимийлик (ўз вақтида) тамойиллари асосида амалга оширилаётганлиги, педагогик тарғибот, ота-оналар Университети фаолияти ижобий натижалар бермоқда.

Бироқ МТМ ва оиланинг ҳамкорлигини урнатиш бу жабҳада муайян камчиликлар мавжудлигини ҳам кўрсатди. Буни тарбиячилар, мусиқа ўқитувчилари билан суҳбат натижаларидан англаш мумкин.

- «Ота-оналар болаларининг таълим – тарбияси билан қизиқишмаяпти, фарзандлари билан самимий суҳбатлаша олмайдилар...» ;
- «Ота-оналар мажлисларида оталар қатнашмаяпти. Фақат айрим оналаргина келишмаяпти».
- «Уларнинг маънавияти, бўш вақти билан қизиқишмаяпти»;

Ота-оналар билан бўлган суҳбат натижаси:

«....Тарбиячилар болалар қалбига кира олмайдилар. Уларни болаларининг билимлари, интизомигина қизиқтиради. Жамоатчилик ишларига қизиқтира олмаяптилар. Болалар билан муомалалари совуқ. Танқид қилсангиз болангизга ёмон муносабатда бўлади. Ота-оналар йиғилашлари зерикарли ўтади. Бирор байрам, ҳашар ўлса чақиришади, бўлмаса - йўқ».

Бундай ўзаро эътирозларнинг мавжудлиги сабаб – тарбиячилар ва ота-оналар орасидаги тарбиявий ҳамкорлик тўлақонли ўрнатилмаганлигини

кўрсатади. Тарбиячилар МТМ ва оилани узвий боғлашда ката имкониятларга эгалар. Илғор тажрибани ўрганиш тарбиячилар ишида:

- ота-оналар мажлислари кун тартибларига маънавий-маърифий масалаларини киритиш;
- мазкур йўналишнинг йиллик режасини тузиб, ота-оналар билан муҳокама қилиш ва унда ота-оналарнинг манфаатли иштирокнини таъминлаш;
- оилалар билан бевосита, билвосита, оғзаки, ёзма алоқалар урнатиш;
- ота-оналарни ўзаро, маънавий-маърифий тарбия манфаатларига хизмат қилувчи ҳамжиҳатликларига эришиш;
- авлодлараро бирликни мустаҳкамлашга қаратилган биргаликдаги фаолиятни ташкил қилиш;
- ота-оналар, айниқса ёш ота-оналар билан «Оилада қандай қилиб юксак маънавий эҳтиёжларни шакллантириш мумкин? Болалар дўстлиги, фазилати нима?» Болаларни қандай қилиб хушмуомалаликка ўргатиш мумкин? Тарбиячилар билан ҳамкорлик нималарни назарда тутди? боланинг қизиқишларини қандай ўрганиш керак? каби саволларга жавоблар беришга тўғри келди. Ана шундай муҳим педагогик муаммо бизнинг тадқиқотимиз, бир мунча бўлса-да ҳал этилди. Буни ҳал этишда тажриба-синов ўтказилган мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчилари, ота-оналар учун методик, амалий тавсиялар ишлаб чиқилди ҳамда уларга тарқатилди. Мазкур тавсиялар ҳар бир тарбиячи томонидан қўлланилмоқда. Хуллас, улар билан ўтказилган тажриба-синов натижалари, яхши самара берди.

III. БОБ ЮЗАСИДАН ХУЛОСА.

Тадқиқот натижасида мактабгача таълим муассасасида маънавий-маърифий ишлар яхши йўлга қўйилганлиги маълум бўлди. Бунга сабаб, мактабгача таълим муассасасларида маънавият ва маърифатга оид ишлар мақсадга мувофиқ тарзда ташкил этилганидир.

Кўпчилик мактабгача таълим муассасаси раҳбарияти маънавият-маърифат соҳасида амалга оширишлари лозим бўлган ишларни билмайдилар. Бу нуқсонларни ҳал этиш учун қуйидаги ишларни амалга оширишни лозим деб топдик:

- мактабгача таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш зарурдир. Бу ишлар мактабгача таълим ёшдаги болаларнинг билим савияси, маънавиятини юксалтиришга ижобий таъсир этиши аниқ;
- муаммо бўйича мактабгача таълим ёшдаги болалар учун амалга оширилиши зарур бўлган маънавий – маърифий ишлар тизимли, яхлит ташкил этилиш керак;
- маънавий-маърифий ишларни амалга оширишнинг шарт-шароитлари ишлаб чиқиш замон талаблари саналади;
- бу борада махсус методик тавсиялар яратилиши замон тақозо этмоқда;
- биз тавсия этган иш методлари асосида тажриба-синов ишлари амалиётда синаб курилди ва олинган натижалар самарадорлиги исботланди.
- тадқиқот натижасида ката гуруҳ ва мактабга тайёрлов гуруҳ тарбияланувчиларининг маънавий-маърифий савияси ошганлиги, уларнинг дунёқарашлари тўғри шаклланганлиги намоён бўлди.

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР.

Мустақил Ўзбекистонда маънавият шахсининг, жамиятнинг давлатнинг куч-қудрати эканлиги, ўз халқига, унинг анъаналарига тили ва маданиятига мухаббат ва ҳурматни тарбияламасдан туриб ўз халқини миллатларнинг бутун жаҳон ҳамжамиятида тенглардан бири сифатида идрок қилувчи ҳақиқий инсонни, ўз ватанининг жонкуярини тарбиялаш мумкин эмаслиги маънавият ҳомийси – Президент И.А.Каримов томонидан белгилаб берилди.

Миллий мустақиллик даврида ёш авлодлар тарбияси миллий маънавиятга асосланиш, халқимизнинг кўп асрлар давомида ардоқлаб келган миллий-ахлоқий қадриятларни педагогик жараённинг истеъмолига киритиш муҳимдир. Бинобарин, халқ тарбиявий тажрибасида орттирилган анъаналарни илмий идрок этиш, улардан жамиятнинг маънавий камолотида фойдаланиш миллий истиқлол ва истиқбол талабидир.

Бу борада Республикамизда ижтимоий тадқиқотлар, сўровлар ўтказилиб, ўзбек халқининг бой маънавий мероси, шарқона ва умуминсоний қадриятлар асосида мамлакат келажагини белгиловчи илғор ғояларни юзага чиқариш ҳамда ҳаётга тадбиқ этиш, мактабгача таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишларни ташкил қилиш юзасидан кенг қўламда ишлар олиб борилмоқда. Бундан мақсад – жамиятдаги соғлом кучлар – юксак истеъдод ва тафаккур соҳибларини етиштириш ва уларнинг ақлий-ижодий салоҳиятини Ватан истиқболига йўналтириш, миллатлараро дўстлик, ҳамжиҳатликнинг аҳамиятини юртимизда тинчлик ва барқарорликни сақлашни, минтақамизда яшаётган миллатларнинг маънавий, маърифий тараққиёт илдизлари муштараклигини тарғиб қилиш; маданий – маърифий, ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий тараққиёт йўналишлари билан боғлиқ омилларни, миллий давлатчилик қадриятларини ўрганиш ва тарғиб қилиш; умумбаширий бойликларга эга бўлиш мақсадида мамлакатдаги ва дунёдаги эътиқод, ғояларни ўрганиш, соғлом дунёқарашни шакллантириш; жамоат бирлашмалари, илмий, ижодий муассаса ва ташкилотларнинг, оммавий –

ахборот воситаларининг ўзаро самарали ҳамкорлигини таъминлаш; маънавий-маърифий масалаларга доир маърузалар, анжуманлар, суҳбатлар ўтказиш каби ишларни амалга оширмоқдадир.

Мактабгача таълим ёшдаги болаларни юксак маънавий фазилатларини камол топтириш, миллий маънавиятни такомиллаштириш, бой маданий меросимиз, тарихий анъаналаримизга, умуминсоний қадриятларга ҳурмат, Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислохотларнинг ҳал қилувчи омилидир.

Миллий мустақиллик қўлга киритилгач, Ўзбекистон мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларида миллий маънавиятни шакллантириш ҳам назарий, ҳам амалий эҳтиёжга айланди. Мазкур тадқиқот миллий маънавиятни шакллантиришнинг мактабгача таълим босқичига бағишланган.

Миллий истиқлол шароитида ижтимоий – маънавий ҳаётни такомиллаштиришнинг педагогик зарурият эканлигини ўрганиш, Ўзбекистон Президенти, ҳукумати, ҳалқимиз томонидан талаб қилинаётган тарзда маънавиятни ривожлантириш мактабгача таълим муассасаси маънавий-маърифий ишларининг асосий йўналишларини белгилаш имконини берди. Натижада «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» таълим дастурлари ва стандартлари асосида тарбияланувчиларда муайян маънавий сифатларни мақсадга йўналтирилган ҳолда шакллантириш зарурати пайдо бўлди.

Миллий фазилатларни тарбиялаш, уларга муҳолислик сифатлар (миллатчилик, мафкурасизлик, миллий ғурурга ёт манқуртлик, ватанга хиёнат, одоб меъёрларидан четга чиқиш, виждонсизлик ва ҳ.к) нинг олдини олиш учун маънавий-маърифий ишлар мактабгача таълимда махсус, илмий асосланган, мақсадга йўналтирилган, мактабгача таълим муассасаси ва оила ҳамкорлигига асосланувчи жараёнга айлантирилмоғи лозим.

Ўтказилган тадқиқот иши қуйидагича педагогик хулосаларга келишга асос бўлди:

- маънавият ҳар бир миллатга хос умуминсоний қадриятдир. У шахснинг ижтимоийлашуви ва мақсадга йўналтирилган тарбия натижасида шаклланувчи ижтимоий, психологик, педагогик ҳодисадир;
- маънавий-маърифий ишларнинг илмий-педагогик таъминланиши – ҳар бир педагог, ота-она, маҳалла жамоатчилиқ мактабгача таълим ёшдаги болаларда маънавий фазилатларини шакллантириш механизмини яратишга ёрдам беради;
- мактабгача таълимда маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш тизими ёндашув асосида олиб борилсагина кутилган самарани бериши мумкин;
- маънавий-маърифий ишлар самарадорлиги тарбиячиларнинг мазкур фаолиятга махсус йўналтирилганлигига боғлиқ;
- МТМ, оила, маҳалланинг маънавий тарбиядаги ҳамкорлиги маънавий-маърифий ишлар самарадорлигининг энг муҳим шартларидан саналади;
- мактабгача таълимда маънавий-маърифий ишларни ташкил этишнинг муваффақияти таълим мазмунидан маънавий тарбия мақсадларида фойдаланишни такомиллаштиришга боғлиқ;
- маънавий-маърифий ишларнинг самарадорлиги ўқув- тарбия жараёнларида маънавий қадриятлардан унумли фойдаларишни тақозо этади;
- мактабгача таълим ёшдаги болаларнинг ёш, миллий, руҳий, жинсий, шахсий хусусиятларини ҳисобга олиш ва тарбияланганлик даражаларининг амалиётга жорий қилиниши маънавий – маърифий ишларнинг самарадорлигини таъминлайди.

Тадқиқот давомида олиб борилган тажриба –синов ишларида биз юқорида юаён этган фикрлар ўз тасдиғини топди.

Тадқиқот натижалари эса қуйидаги илмий-методик тавсияларни тақдим этишга йўллади.

1. Мактабгача таълим тизимида бола маънавиятини шакллантириш самарадорлигини ошириш доирасида қулай шарт-шароит яратиш.

2. Маънавий-маърифий ишларни ташкил этишда ҳар томонлама баркамол шахсни маънавий шакллантиришга доир методик қўлланмалар яратиш.
3. Таълим муассасасларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этишда мактабгача таълим ёшдаги болаларнинг маънавий юксалишига таъсирини аниқлаш ва назорат қилиш механизмини ишлаб чиқиш.
4. Маънавий-маърифий ишларни ташкил этишда шу соҳага доир тарбиявий ишларнинг хусусияти ҳамда мактабгача таълим ёшдаги бола табиатидан келиб келиб чиққан ҳолда анъанавий методлар билан бирга илғор педагогик ва ахборот технологиялардан ҳам фойдаланиш.
5. Мактабгача ёшдаги болаларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда маънавиятга доир кўргазмали материалларни нашр қилиш.
6. Мактабгача ёшдаги болалар иштирокида «Тўмарис авлодлари», «Ватанимиз қиёфаси болалар нигоҳида», «Менинг маҳаллам» каби мавзуларда ёш ижодкор болаларнинг Республика кўрик танловини мунтазам ўтказиб бориш.

Биз амалга оширган тадқиқот иши муҳим ва йирик муаммони ҳал этишда қуйилган дастлабки қадам бўлиб келажакда таълим муассасаларида ёш авлодни маънавий шакллантириш тизимида доир яна қатор тадқиқотлар олиб боришга йўл очади.

ФОЙДЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.

1. Каримов И.А. “Ирода ва иймон – эътиқодимиз синови”. Тошкент. Ўзбекистон нашриёти. 1999 йил
2. Каримов И.А “Юксак малакали мутахассис - тараққиёт омили”. Тошкент. Ўзбекистон нашриёти. 1995 йил.
3. Миллий истиқлол ғояси, асосий тушунча ва тамойиллари. Тошкент янги аср авлоди 2004 йил
4. Каримов И.А. «Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир». Тошкент. Ўзбекистон нашриёти. 2005 йил
5. Каримов И.А. “Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир”. Тошкент. Ўзбекистон нашриёти. 1996 йил 34-бет.
6. Каримов И.А. «Халқимизнинг йўли мустақиллик, озодлик ва туб ислохатлар йўлидир». 3-40 бетлар.
7. Каримов И.А. “Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори”. 30-40-бетлар.
8. Каримов И.А. Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш – барча демократик янгиланиш ва иқтисодий ислохатларимизнинг пировард мақсадидир. “Ўзбекистон” Тошкент – 2007 .
9. Каримов И.А. “Юксак маънавият – енгилмас куч” Тошкент “Маънавият” 2008 йил
10. Каримов И.А. “Асосий вазифамиз-Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир”. Т.; “Ўзбекистон”, 2010.
11. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. – Т.: Ўзбекистон, 1992 – 78 б.
12. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Т.: Ўзбекистон, 1996 – 364 б.

- 13.Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкуриси – ҳалқ эътиқоди ва буюк келажак ишончдир. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – 40 б.
- 14.Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – 528 б.
- 15.Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: «Ўзбекистон», 2011 – 440 б.
- 16.Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интиломда. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – 326 б.
- 17.Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омили. Президент И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 8 декабр. – 1-2 б.
- 18.А.Алиев “Маънавият, қадрият ва бадиият” Т: Академия-2007
- 19.Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Исмоил ал Бухорий. Ал Адаб ал муфрад: (Адиб дурдоналари). – Т: Ўзбекистон, 1990. -196 б.
- 20.Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Исмоил ал Бухорий. Ҳадис. –Т: қомуслар бош таҳририяти, 1991- 560 б.
- 21.Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ – Т: Ўқитувчи, 1992.-160 б.
- 22.Аждолар ўғити, ҳикоялар, ҳикматлар. Тўпловчи Б. Аҳмедов.-Т: Ўқитувчи, 1990.-240 б.
- 23.Амир Темур ўғитлари. – Т: Наврўз, 1992.-64 б.
- 24.Атаев А.К. Фарзандингиз баркамол бўлсин. Т: Фан,
- 25.1990-169 б.
- 26.Ахлоқ одобга оид ҳадис намуналари. –Т: Фан, 1990.-169 б.
- 27.Аҳмедов. Ҳ.Раҳбар маъсулиятини оширишда маънавий омилларнинг ўрни-Жамият ва бошқарув, 2010 № 1.
- 28.Алиев А. «Истиқлол ва абадий мерос»Т.,«Ўзбекистон» 1997
- 29.Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – Б. 31-60.

- 30.Баходиров О. Янгича анъана ва урф-одатлар ҳаётга. - Т. Ўзбекистон, 1995. -19 б.
- 31.Жабборов И. Турмуш тарзи, урф-одат ва одоб, Т. Ўзбекистон, 1983-112 б.
- 32.Жовлиев Т. Анъаналар – ҳаёт сабоғи. Т. Ўзбекистон, 1992. - 90 б.
- 33.Иномова М. Оилада болаларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси. Т.; ТДПУ, Иномова М.О. Оилада болаларни маънавий ахлоқий тарбиялашда миллий кадриятлар. Т.; Фан. 1995й. 266-б.
- 34.Иномова М.О. Оилада болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда миллий кадриятлардан фойдаланишнинг педагогик асослари: Педагогика назарияси ва тарихи ихтисослиги бўйича пед.фан.доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. Т.; 1998й. 317-б.
- 35.Иномова М.О. Фарзанд ниҳол, ота-она боғбон. Т.; Ўқитувчи, 1993й. 56-б.
- 36.Йўлдошев Ж, Ҳасанов С. “Авесто”да ахлоқий-таълимий қарашлар ҳақида. Кайковус «Қобуснома» Т., «Истиқлол» 1994 й.
- 37.Курамов М. «Оила – миллий тарбия ўчоғи». «Халқ таълими» журнали. Т., 1999 й., 1-сон.
- 38.Каримова В. Ёшларда ўзбек оиласи ҳақидаги ижтимоий тасаввурлар: Псих.фан.доктор.диссерт. –Т.: 1995. – 327 б.
- 39.Каримова С.А. Воспитание у старших дошкольников положительного отношения к труду на основе представлений о его нравственно-эстетических свойствах: Автореф. дис.... канд.пед.наук. – М.: 1989. – 22 с.
- 40.Касимова Х.И. Использование национальных традиций в нравственном воспитании детей дошкольного возраста в семье: Автореф. дисс... канд. пед. наук. – Т.: 2001. – 27 с.
- 41.Козырева С.П. Взаимосвязь музыки и рисования как средство развития изобразительного творчества старших дошкольников. - М.: 1985. С. 112.

42. Комарова Т.С. Методика обучения изобразительной деятельности и конструирования. – М.: Просвещение, 1985. – 270 с.
43. Коминская В.Б., Халезова Н.Б. Основы изобразительного искусства и методика руководства изобразительной деятельности детей. – М.: Просвещение, 1984. – 240 с.
44. Курбанов Ш.Э. Социально-педагогические особенности национальной модели и программы по подготовки кадров: Автореф. дисс... док. пед. наук. – Т.: 2000. – 51 с.
45. Курбанов Ш.Э., Сейтхалилов Э.А. Национальная модель и программа по подготовке кадров – достижение и результаты независимости Узбекистана. – Т.: Шарқ, 2001. – 656 с.
46. Курочкина Ш.Э. Современный этикет и воспитание культуры поведения у дошкольников. Учебное пособие. – М.: Гуманит.изд.центр «Владос», 2001. – 224 с.
47. Махпират ном. Ўрта Осиё халқлари тарихи институти. 1999й, 152-б.
48. Мунавваров А. «Оила педагогикаси» Т., «Ўқитувчи» 1994 й.
49. Минавваров А.К., М. Маъмуров. Япроқ илдиздан қувват олади. Т: Ўзбекистон, 1999. - 52 б.
50. Мустиқил Ўзбекистоннинг ёш аволдини тарбиялашда маҳалла, мактаб ва оила ҳамкорлиги концепсияси. Т.: 1993. - 289 б.
51. Мусурмонов О. Маънавий қадриятлар ва ёшлар тарбияси. Т: Ўқитувчи, 1995. – 192 б.
52. Мусурмонов О. Юқори синф ўқитувчиларини маънавий маданияти шакллантиришнинг педагогик асослари: Педагогика фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. Т.: 1993. – 289 б.
53. Мактабгача тарбия педагогикаси. 2 қисм. 1-қ. / В. И. Логинова, Т. Г. Саморуковалар таҳрири остида. – Т.: Ўқитувчи, 1991. – 256 б.
54. Мактабгача тарбия педагогикаси. 2 қисм. 2-қ. / В. И. Логинова, Т. Г. Саморуковалар таҳрири остида. – Т.: Ўқитувчи, 1992. – 296 б.

55. Мактабгача ёшдаги болалар таълим-тарбиясига куйилган давлат талаблари. – Т.: Ўз ПФИИТИ, 2000. – 48 б.
56. Мактабгача ёшидаги болалар таълим-тарбиясига қўйиладиган Давлат талаблари //Мактабгача таълим. – Т.: 2000. №1. 9 – 12-б.
57. Мактабгача таълим муассасалари.(болалар боғчалари) учун дастурлар (11-ком-да). – Т.: ЎзПФИТИ, 1995-1996.
58. Махмудов Т. Эстетика и духовные ценности. – Т.: Шарк, 1993. – 286 с.
59. Миллий истиқлол ғоясини халқимиз онгига сингдириш омиллари
60. Милютин Н.Р., Гришина А.В. Художественно-творческий компонент профессиональной компетентности специалиста по социальной работе // Педагогика. Научно-методический журнал. – Алма-Ата: 2005, №5. – с. 15 – 18.
61. Мирзаабдуллаева М. Воспитание начальных форм взаимопомощи у детей среднего дошкольного возраста в процессе совместной деятельности: Автореф. дисс...канд.пед.наук. – М.: 1984. – 16 с.
62. Мирзакалон Исмоилий. Инсон хусни. Ахлоқ-одоб мавзусидаги суҳбатлар(нашрга тайёрловчи Тохир Малик) – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. – 256 б
63. Мосин А.Е. Художественные интересы семьи и их роль в эстетическом воспитании младших школьников: Автореф. дис... канд.пед.наук. – М.: 1982. – 24 с.
64. Мунавваров А.К. Педагогические условия повышения эффективности семейного воспитания. Дисс.докт.пед.наук. – Т.: 1989. – 371 с.
65. Мунавваров А. Оила педагогикаси. – Т.: Ўқитувчи, 1994. – 150 б.
66. Мусурмонова О. Оила маънавияти – миллий ғурур. – Т.: Ўқитувчи, 1999. – 200 б.
67. Носиров Ў.Таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш ва бошқариш. Услубий қўлланма, тошкент-2010.
68. Новые ценности образования: тезаурус для учителей и школьных психологов. – М.: ИПИ РАО, 1995. – 114 с.

- 69.Обидов И.О.таҳрири остида. Т.; Ўқитувчи 1992й, 29-б.
- 70.Олимов И.Маънавий таҳдидларни бартараф этишда сиёсий партияларнинг ўрни-Жамият ва бошқарув. 2010 № 1.
- 71.О.Тўраева «Оилавий ҳаёт этикаси ва психологияси» Т., «Ўқитувчи» 1998 й.
- 72.Отавалиева У. «Бола тарбиясида боғча ва оила ҳамкорлиги» Тош., 1994 й.
- 73.Одобнома. – Т.: Фан, 1992 – 83 б.
- 74.Ортиқов Н. Миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида ўқувчи шахсини ахлоқий шакллантириш: Пед. фан.док. ... дисс. – Т.: 2000. – 305 б.
- 75.Осим, Миркарим. Широқ. Тарихий қиссалар. – Т.: Ёзувчи, 1995. – 204 б.
- 76.Очилдиев А.С. Мустақиллик ва миллатлараро муносабатлар //Ҳамжиҳатлик ва бағрикенглик тараққиёт омили. – Т.: Республика БММ. 2001. – Б. 17-21.
- 77.Очилов М. Янги педагогик технологиялар. – Қарши: “Насаф” нашриёти, 2000. – 79 б.
- 78.Очилов Н. Миллатлараро ҳамжиҳатлик – барқарорлик ва тараққиёт омили//Миллий ғоя – бизнинг ғоя. – Т.: Республика БММ. 2001.–Б. 51-53.
- 79.Очилов С. Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари. – Т.: Ўқитувчи. 1997. – 208 б.
- 80.Туленов Ж., З.Ғофуров. Мустақиллик ва миллий тикланиш. – Т.: Ўзбекистон. 1996. – 253 б.
- 81.Оила бир гулшанки... / Тузувчи муаллифлар: Р. Саидов, М. Аҳмедов. – Т.: Ўқитувчи, 1996. – 256 б.
- 82.Ортиқов Н. Миллий ғурур ва умуминсоний қадриятлар асосида ўқувчи шахсини ахлоқий шакллантириш. Пед.фанл.докт.дисс. – Т.: 2000.–297 б.
- 83.Ортиқов Н. Ёш авлодни муқаддас ғоялар руҳида тарбиялаш бўйича тавсиялар. – Т.: Ўзбекистон, 1995. – 42 б.

84. Основы дошкольной педагогика / Под ред. В. Запорожца, Т. Марковой. – М.: Просвещение, 1980. – 272 с.
85. Основы эстетического воспитания / Алиев, Ардаширова Г. И. и др. – М.: Просвещение, 1986. – 240 с.
86. Основы дошкольной педагогика. Пед.ред. В.Запорожца, Т.А.Марковой. – М.: Педагогика, 1986 – 272 с.
87. Островская Л.Ф. Педагогические ситуации в семейном воспитании дошкольников. – М.: Просвещение, 1990. – 160 с.: ил.
88. Охунжонова С.А. Болаларни мактаб таълимига тайёрлаш ҳақида (тарбиячи ва ота-оналар учун тавсиялар) –Т.: Ўқитувчи, 1999. – 78 б.
89. Проблемы управлений процессом воспитания (симпозиум материаллари) Н.Ф. Расулова М.Ш. Болаларни мактабга тайёрлаш даражасини ва тайёргарлигини аниқлаш мезонлари. – Т.: ЎзПФИТИ, 1994. – 24 б.
90. Раҳимова З. Музыкально-эстетическое воспитание шестилеток-первоклассников средствами дидактических игр. Дисс...канд.пед.наук. – Т.: 1989. – 147 с.
91. Раҳимова К.Х. Мактабгача болалар маънавий тасаввурларини шаклланишида ролли ўйинлар ижтимоий-психологик хусусиятларининг таъсири: Психол.фанл.номз.дисс...автореф. – Т.: 2000. – 23 б.
92. Рахимов Ш. Ота-оналарнинг бефарқлиги... // “Маърифат”. 2001 йил, 6 январ
93. Ризоуддин ибн Фахриддин. Оила. – Т.: Меҳнат, 1991. – 62 б.
94. Рубинштейн С.Л. Основы общей психологии. – Питер, 2000. – 712 с.
95. Рўзиқулов Ф. Ажралишнинг эркалар руҳиятига таъсири // Халқ таълими, 2005, №6. – 81 – 85-б.
96. Саидов М. Эркин ва фаровон ҳаётни юксак маънавиятсиз қуриб бўлмайди // “Халқ сўзи”. 2006 йил, 7 январ
97. Сакулина Н.П., Комарова Т.С. Изобразительная деятельность в детском саду: Пособие для воспитателей. – М.: Просвещение, 1992. – 208 с.

- 98.Сакулина А.А. Рисование в дошкольном детстве. – М.: Просвещение, 1985. – 215 с.
- 99.Салаева Н. Оиланинг этнопсихологик хусусиятлари // Халқ таълими, 2001, №1. – 52 – 54-б.
- 100.Самоненко Ю. А. Психология и педагогика: Учебное пособие для вузов. – М.: 2001. – 277 с.
- 101.Сафаров О., Махмудов М. Оила маънавияти. – Т.: Маънавият, 1999.– 60 б.
- 102.Сафо Очил. Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари. К.Ҳошимовнинг умумий таҳририда. –Т.: Ўқитувчи, 1995. – 208 б.
103. Сафо Очил. Инсон зийнати одобдир. – Т.: Ўқитувчи, 1996. – 200 б.
104. Саъдуллаев З. Инсон наслига тортади // Соғлом авлод учун. –Т.: 1996, №2.
105. Семейное воспитание в детском саду. – М.: Просвещение, 1981. – 192 с.
106. Система эстетического воспитания в детском саду: Под.общ. ред. Н. А. Ветлугиной. – Изд-во АПН РСФСР, 1962. – 372 с.
107. Сорокина А.И. Дошкольная педагогика. – М.: Учпедгиз, 1958.– 336 с.
108. Сохибназарова Н. Дадажоним меҳрига зорман...// “Маърифат”. 1998 йил 11 ноябр.
109. Сулаймонов А. Осойишталик саодати ёхуд Фитратнинг оила тарбияси ҳақидаги қарашлари // Илмий мақолалар тўплами. –Т.: ЎзПФИТИ, 2003. – 140 – 142-б.
- 110.Сафо Очил. Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари. Т: Ўқитувчи, 1995. – 206 б.
111. Тализина ва П.И. Рувинский таҳрири остида. – М.: 1971.
112. Тўракулов Х.А. Илмий ижодиёт методологияси. – Т.: Фан нашриёти. 2006. – 251 б.
113. Тўхлиев Б. Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асари: Т: - Ўзбекистон, 1991. - 222 б.

114. Фаробий Абу Наср. Фозил одамлар шахри. – Т.: Мерос, 1993. – 222 б.
115. Хасанбоева О. «Оилада маънавий-ахлоқий тарбия» Т., 1998й.
116. Хасанбоева О. «Педагогика тарихидан хрестомотия» Т., «Ўқитувчи» 1993 й.
117. Юсуф Муҳаммад. Ўзингдан қўймасин халқим. – Т. Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000. – 81 б.
118. Юсупов Э. Инсон камолотининг маънавий асослари. Т.: Университет, 1998. – 184 б.
119. Ўзбек адабиёти. Мажмуа / 11-гуруҳ учун. – Т.: Ўқитувчи, 2002. – 446 б.
120. Ўзбек педагогикаси антологияси /Тузувчи-муаллифлар: К.Ҳошимов, С.Очил. – Т.: Ўқитувчи, 1995. – 38 б.
121. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. Солнома-Тўйтепа. 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2004. – 704 б.
122. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Баркамол авлод йили» Давлат дастури тўғрисида»ги 2010 йил 27 январдаги Қарори // Халқ сўзи. 2010. 28 январь.
123. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” //
124. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 1992. – 46 б.
125. Қурбонниёзова З.К. Тарбиявий ишлар жараёнида ўқувчиларда миллий ўзликни англаш - тарбиялашнинг педагогик асослари (Қорақалпоқ мактабларининг VII-IX гуруҳлари мисолида): Пед.фан.номз. ... дисс. автореф. – Т.: 2002. – 21 б.
126. Қуронов М. Мактаб маънавияти ва миллий тарбия. – Т.: Фан. 1995. – 118 б.
127. Қуронов М., Мусаев О. Ёшларни миллатлараро тотувлик руҳида тарбиялашда миллий қадриятларнинг роли //Ҳамжиҳатлик ва

- бағрикенглик тараққиёт омили. – Т.: Республика БММ. 2001. – 67-73-бетлар.
128. Куръони Карим /Таржима ва изохлар муаллифи Алоуддин Мансур - Т.: Чўлпон, 1992. - 544 б.
129. Ҳадислар – болаларга /Ғоя муаллифи О.Шарофиддинов. Масъул муҳаррир: У.Уватов. – Т.: Адолат, 2004. – 62 б.
130. Ҳамжиҳатлик ва бағрикенглик – тараққиёт омили. – Т.: Республика Байналмилал маданият Маркази, 2001. – 139 б.
131. Ҳамидов Ҳ. “Авесто” файзлари. –Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти 2001. - 125 б.
132. Ҳусниддинов З. Миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликнинг ҳаётий илдишлари //Миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик – тараққиёт омили. – Т.: Республика БММ, 2003. – 5-10 бетлар.
133. Ҳусниддинов З.М. Ўзбекистон Республикасида миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик //Ҳамжиҳатлик ва бағрикенглик тараққиёт омили. – Т.: Республика БММ. 2001. – 6-11 бетлар.
134. Ҳусниддинов З.М. Ўзбекистонда диний бағрикенглик /Монография. – Т.: Ислон университети, 2006. – 164 б.
135. Ҳусниддинов З.М. Ўзбекистонда диний бағрикенгликни мустаҳкамлаш омиллари ва муаммолари: Фал.фанл.ном. Дис. ... автореф. – Т.: 2000. – 26 б.
136. Хошимов К. Сафо Очил. Ўзбек педагогикаси антологияси. - Т: Ўқитувчи, 1995. – 464 б.

ИЛОВАЛАР

1-илова.

Мактабгача таълим ёшдаги болаларнинг ота-оналарига анкета саволлари.

Муҳтарам ота-оналар, авваламбор бизнинг мактабгача таълим муассасамизга хуш келибсиз! Биз оилангиздаги шодликка – фарзандингизнинг мактаб оstonасига қадам қўяётганлиги байрамига шерикмиз. Мактабгача таълим муассасаси жамоаси Сизни тарбия ҳамкорлигига чорлайди. Чунки фарзандингизнинг миллатимизнинг ажойиб ва баркамол кишиси бўлиб етишуви барчамизни Сизнинг ва биз педагогик жамоамизнинг, Ўзбекистонимиз Президентининг ҳам орзусидир!

Ўрнатли ота-оналар!

Сиз қуйидаги саволларга жавоб берасиз деган умиддамиз:

1. Қачон, қайси олий ўқув юртини бтиргансиз?
2. Фарзандингизнинг исми, фамилияси, туғилган йили, куни.
3. Болангиз ҳарфларни танийдими? қай даражада? F Мос жавоб тагини чизинг.
а) йўқ. б) кўргазмалар орқали. г) ҳа танийди.
4. Ёза оладими?
а) йўқ. б) босма ҳарфларни. в) ёзма харфларни.
5. Санай оладими?
а) йўқ. б) ҳа. в) _____ гача.

6. Оилангиз кимлардан иборат? (мос жавобни қаршисига қуйинг).

Исм фамилияси	Ким бўлиб ишлаганлар?	Неча ёшдалар?
Бобо		
Буви		
Ота		
Она		
Ака		
Опа		
Ука, сингиллари		

7. Бугун Сизнинг нечанчи фарзандингиз боғчага келди?

- нчиси

8. Фарзандингиз қандай касалликлар билан оғриган – касал бўлмаган.

а) б) в) билан оғриган.

9. Сиз ўзингиз бола тарбияси билан махсус шуғулланиш учун билим ва малакаларга эгаман деб ҳисоблайсизми?

а) йўқ. б) бирор нарса дейишим қийин. в) ҳа.

10. Бола тарбияси масаласи бўйича мактабгача таълим муассасаси ва тарбиячилардан Сизга қандай ёрдам керак?

а) б) в).

11. Сиз ўзингиз мактабгача таълим муассасасига, болангиз гуруҳига қандай ёрдам кўрсата оласиз?

12. Фарзандингиз _____ да қандай яхши сифатлар ривожланган деб ҳисоблайсиз?

- | | | | |
|----|----|----|----|
| 1. | 2. | 3. | 4. |
| 5. | 6. | 7. | 8. |

13. Фарзандингизда қандай салбий иллатлар, одатлар Сизни ташвишга солмоқда?

- | | | | |
|----|----|----|----|
| 1. | 2. | 3. | 4. |
| 5. | 6. | 7. | 8. |

14. Сиз келажакда фарзандингизнинг қандай ҳислатларга эга бўлишини истардингиз?

- | | | | |
|----|----|----|----|
| 1. | 2. | 3. | 4. |
|----|----|----|----|

15. Ўзбекистон Конституциясининг XIV боб 64-моддасида нима дейилган?
МТМ билан тарбиявий ҳамкорлик қилишга тайёрлигингизни тасдиқлаб
имзо чекинг.

Имзо

Исмингиз, фамилиянгиз

Ой, кун.

Мухтарам Ватандош!

Биз бугун ҳар биримизнинг жигарбандларимиз – ёшлар таълим-тарбияси ҳақида сиз азизлар билан маслаҳатлашмоқчимиз.

Мақсадимиз, ҳозир мустақил Ўзбекистонимизда кенг муҳокама қилинаётган маънавият муаммоларига Сизнинг шахсий муносабатингизни билиш ва ундан илмий – педагогик мақсадларда фойдаланмоқдир.

Сиздан илтимос, ҳар бир саволни диққат билан ўрганиб ижодий ёндошиб ўз фикрингизни билдирсангиз. Анкеталарда ҳам саволлар, айрим саволларга тайёр жавоблар ҳам берилган. Сизга маъқул бўлган жавоб олдида турган рақамни айлана чизиқ ичига олинг. (масалан: 4, 6, 2) жавоб сизни қониқтирмаса, ўзингизнинг мустақил фикр, жавобларингизни ёзиб қўйинг.

Сизнинг жавобларингизга баҳо қўйилмайди, ҳеч қаерда муҳокама қилинмайди, фақат илмий мақсадларда фойдаланилади, холос.

Кўрсатажак ёрдамнингиз ва фаоллигингиз учун ташаккур! Ўзингиз ҳақингизда қуйидаги маълумотларни беришингизни сўраймиз:

1. Исм ва отангизнинг исми

2. Касбингиз ва иш жойингиз

3. Ҳар бир киши ўзбек халқи миллати урф-одатлари, маданиятини ўрганиши ва ўзлаштириши керакми?

01 – ҳа, керак

02 – шарт эмас.

03 – керак эмас.

Чунки

4. Сиз ҳозирги ўзбек болаларида миллий қадриятлар, сифатлар етарли шаклланган деб ҳисоблайсизми?

04 – ҳа

05 – йўқ

Чунки

5. Мамлакатимизнинг ҳозирги мактабгача таълим муассасаларидаги таълим – тарбия ишлари даражаси мустақил Ўзбекистон истиқболи талабларига жавоб бера оладими?

06 – ҳа

07 – йўқ.

6. Ҳозир мустақил Ўзбекистон миллий-маданий келажаги ҳақида турли қарашлар бор, қуйидаги қарашлардан қайси бири сизга яқин?

08 – ўзбек болалари ҳозиргидек тарбияланавериши керак.

09 – ўзбек болалари ҳам миллий, ҳам замонавий руҳда тарбияланишлари керак.

7. Миллий мактабгача таълим муассасаси ғояси жумҳуриятимизда борган сари долзарб аҳамият касб этиб бормоқда. Сизнинг бу ғояга муносабатингиз қандай?

11 – маъқуллайман.

12 – бирор нарча дея олмайман.

13 - қаршиман

8. Сизнингча, маънавиятли бола ўзининг нимаси билан ажралиб туриши керак?

Менимча,

9. Баъзилар кишиларнинг ўз миллий тарихига қизиқишлари уларнинг бошқа миллат вакиллари билан муносабатларининг мураккаблашувига, ёмонлашувига олиб келади, дейишади.

Сиз шу фикрга қўшиласизми?

- қушиламан, - бирор нарса дейишим қийин, -
қўшилмайман.

10. Сиз бошқа миллат вакиллари болалари феъл-атворидаги қайси сифатларни ҳурмат қиласиз?

11. XXI асрда яшовчи ўзбек боласининг сиймоси қандай бўлиши керак? ўнинг қандай сифатларга эга бўлишини истардингиз?

12. Миллий мактабгача таълим муассасаларида ислом қадриятларнинг киритилишини маъқуллайсизми?

а. ҳа, маъқуллайман.

б. йўқ, қаршиман.

в. бирор нарса дея олмайман.

**Мактабгача таълим муассасасида ўтказиладиган маънавий-маърифий
ишларда фойдаланиш учун байрам, саналар.**

1989 йил 21 октябрь – ўзбек тили Ўзбекистон Республикасига давлат тили этиб тасдиқланди.

1991 йил 31 август – Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги эълон қилинди.

1991 йил 1 сентябрь – Ўзбекистон Республикаси мустақиллик куни.

1991 йил 18 ноябрь – Ўзбекистон Республикасининг давлат байроғи тасдиқланди.

1991 йил 29 декабрь - И.А.Каримов - Ўзбекистон Республикасининг биринчи президенти этиб сайланди.

1992 йил 31 январ – Шу кунгача Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат сифатида 83 – давлат расман тан олди.

1992 йил 2 март – Ўзбекистон Республикаси БМТ аъзолиги қабул қилинди.

1992 йил 27 март – «Рўза – Рамазон ҳайити» нинг биринчи куни дам олиш куни деб эълон қилинди.

1992 йил 2 июль – Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасдиқланди.

1992 йил 16 июль – Шу йил 3 июлди қабул қилинган Ўзбекистон Республикасида байрам кунлари тўғрисидаги қонуни эълон қилинди.

Яъни: 1 январь – Янги йил, 8 март – Хотин қизлар куни, 21 март – Наврўз байрами, 9 – май Хотира ва қадрлаш куни, 1 сентябрь – Мустақиллик куни, «Рўза – Рамазон ҳайити», «Қурбон ҳайити» - Ўзбекистон Республикасининг байрам кунлари деб белгиланди.

1992 йил 8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинди.

1992 йил 10 декабрь - Ўзбекистоннинг биринчи Давлат Мадҳияси тасдиқланди. (Абдулла Орипов сўзи, Мутал Бурхонов мусиқаси).

1993 йил 1 январь Шу вақтга келиб, Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини 125 та давлат тан олди. 66 хорижий давлатлар билан дипломатик муносабатлар ўрнатилди.

1993 йил 16 сентябрь - Бухорода буюк тасаввуф олими ҳожа Баҳовуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллиги тантанаси ўтказилди.

1994 йил 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни деб эълон қилинди.

1994 йил 16 июнь – «Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасини муомала қилиш тўғрисида» ги Республика Президентининг фармони чиқди.

1997 йил - Президент И.А.Каримов ташаббуси билан «Инсон манфаатлари йили» деб эълон қилинди.

1998 йил – Юртбошимиз ташаббуси билан «Оила йили» деб эълон қилинди.

1999 йил 9 май - шу йилдан бошлаб, бу кун «Хотира ва қадрлаш куни» деб эълон қилинди.

1999 йил - Юртбошимиз ташаббуси билан «Аёллар йили» деб эълон қилинди.

2000 йил - Юртбошимиз ташаббуси билан «Соғлом авлод йили» деб эълон қилинди.

2001 йил - Юртбошимиз ташаббуси билан «Оналар ва болалар йили» деб эълон қилинди.

2002 йил – «Қарияларни қадрлаш йили» деб эълон қилинди.

2003 йил - Юртбошимиз ташаббуси билан «Обод маҳалла йили» деб эълон қилинди.

2004 йил – «Меҳр ва мурувват йили» деб эълон қилинди.

2005 йил – «Сиҳат – саломатлик йили» деб эълон қилинди.

2006 йил – «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб эълон қилинди.

2007 йил – «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилинди.

2008 йил – «Ёшлар йили» деб эълон қилинди.

2009 йил – «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги» деб эълон қилинди.

2010 йил – Юртбошимиз ташаббуси билан «Баркамол авлод йили» деб эълон қилинди.

2011 йил –

2012 йил – Юртбошимиз ташаббуси билан «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилинди.

2013 йил – Юртбошимиз ташаббуси билан «Обод турмуш йили» деб эълон қилинди.